

48
(1366)-сон
30-ноябр
2018

Xabar

ERURSEN SHO'H, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Президент топшириғи бўйича бажарилган ишлар ҳақида "Ўзбектелеком" АҚ ҳисобот беради **2-бет**

ИНТЕРВЮ

Олтинтопарлар юртидан чиққан энг ёш академик **4-бет**

"БЕЗОПАСНЫЙ ГОРОД":

Технологии и подсистемы, проблемы обеспечения и пути их решения **6-бет**

САФАР ТААССУРОТЛАРИ

Оламшумул ихтиролар ижодкорлари **7-бет**

МФЙ РАИСИ ҲОКИМИЯТНИНГ ДАСТҲИМИ?

Ёки туман ҳокими ўринбосарининг санамай санкиз дегани ҳақида **9-бет**

ЭСКИ НАҚЛ ИСБОТЛАНДИ:

Ёлгон хабар тез тарқайди **12-бет**

МУТОЛАА

Қашлағич (ҳикоя) **14-бет**

УЙ-ЖОЙЛАР

Президент қарорига кўра, Ўзбекистонда 2019 йили **15 010** та арзон уй-жойлар ва квартиралар курилиши режалаштирилган.

Шулардан

11 070 таси уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож oilалар учун мўлжалланган.

Манба: Аҳоли вазирлиги



ЯПОН КРЕДИТЛАРИ ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА

Унинг ҳисобига қандай лойиҳалар амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 23 ноябрда "Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япониянинг тижорат банклари кредитга хизмат кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни қабул қилди.

3-бет

АЖАБ-О

"БИЛАЙН"ГА САВОЛ: "ҲАЁТНИНГ ЁРҚИН ТАРАФИ" ШУМИ?

Жорий йил 24 ноябр куни Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Тошкентли Гузар қишлоғидаги Янгиқишлоқ ҚВПда жойлашган Unitel МЧЖнинг шарқий худудий филиалига тегишли – 5567-сонли таянч станцияси антенна қурилмаси (мачта) ерга қулаган. Шу кундан бери мазкур худудда ушбу оператордан фойдаланадиган мижозлар алоқасиз қолган. Бу ҳақда "Xabar.uz" манбаси маълум қилди.

Мазкур носозлик ҳануз бартараф этилгани йўқ. "Билайн" компанияси мазкур воқеа юзасидан ҳали муносабат билдирмади.

Ушбу таянч станциялари Учкўприк туманининг Тошкентли Гузар, Қақир, Қумбости, Раҳматилло, Тожик ва Мулла Зоир қишлоқлари ҳамда Ўзбекистон тумани Навбахор, Қози Калон, Қум маҳалла ва Ойдин булоқ қишлоқларида истиқомат қилувчи 2 мингдан ошиқ мижозларга хизмат кўрсатади.





► Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 ноябр куни банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустақамлаш, худудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

► Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби, бугунги кунда Яшил тараққиёт глобал институти ассамблеяси ва Халқаро олимпия қўмитасининг Этика бўйича комиссиясига раҳбарлик қилаётган Пан Ги Мунни қабул қилди.

► Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 28 ноябр куни Чирчиқ дала ўқув майдонида юқори даражадаги жанговар шайликка келтирилган бўдинмаларнинг махсус-тактик машқларини кузатди. Шу куни Қуроли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

► Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан бевосита танишиш мақсадида 29 ноябр куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

► Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан Бош прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан ҳамкорликда видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда ҳамкорликдаги ишларни ташкил этишда камчиликларга йўл қўйган, натижавий кўрсаткичлари паст бўлган вилоятлар ва туман давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларига нисбатан кескин эътирозлар билдирилиб, камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

► Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ БЎЙИЧА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ҲАҚИДА “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ҲИСОБОТ БЕРАДИ

Бугун, 30 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш, АКТ-технологияларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва уларнинг миллий иқтисодийтни ривожлантиришдаги ўрнига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги давлат органлари, ташкилот ва корхоналар, операторлар ва провайдерлар иштирок этдилар.



Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг интернет тармоғига чиқиш нархларини пайсатириш, шунингдек, уланиш тезлигини ошириш ва 2020 йилга бориб МДХ давлатлари даражасигага кўтаришдек топшириқларини бажариш бўйича “Ўзбектелеком” АКнинг ҳисоботи тақдим этилади.

Ўтган 10 ой мобайнида “Ўзбектелеком” АКда зарур бўлган яхшиланишлар тизимли таҳлил қилинди, керакли қурilmалар сотиб олинди, дастур-жадвал ишлаб чиқилиб, ташқи канал ўтказиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда операторлар, провайдерлар ва охириги фойдаланувчилар учун интернетга чиқиш

тезлигини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Анжуман алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси операторлари ва провайдерлари ўртасида АКТ соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун платформа бўлиб хизмат қилади, чунки барча томонларнинг ҳамкорлигисиз инновацион ривожланиш ҳақида сўзлаш мумкин эмас.

Ушбу анжуман тафсилотлари ҳақида газетанинг келгуси сонда батафсил хабар берамиз.

GDG-DevFest

ТОШКЕНТДА ИЛК БОР GDG-DEVFEST ДАСТУРЧИЛАР ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ



Пойтахтимиздаги ИНҲА университетида GDG-DevFest дастурчилар фестивали бўлиб ўтди. Унда дастурчилар, IT-мутахассислар, со-

ҳадаги янги технология ва лойиҳалар билан қизиқувчи ёшлар иштирок этди.

Мазкур дастурчилар фестивали Google Developers Group (GDG)нинг лойиҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизда илк бор ўтказилди. Унда иштирокчилар Google компаниясининг сўнгги йиллардаги энг замонавий технологиялари ва ишланмалари билан танишди.

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, ёшлар иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари Алишер Саъдуллаев ва бошқалар, шунингдек, хоризжик мутахассислар ҳам тақлиф этилган фестивал доирасида ахборот техно-

логияларнинг турли йўналишлари бўйича ўтказилган маъруза ва маҳорат дарсларида 500га яқин киши қатнашди.

Тадбир давомида малакали мутахассислар иштирокида блокчейннинг фойдаланиш, мобил иловаларни яратиш, VR/AR технологияларини бизнес соҳасида қўллаш ва бошқа шу каби мавзуларда очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Фестивал доирасида Тошкентдаги ИНҲА университети ректори вазифасини бажарувчи Музаффар Жалолов ва ёшлар иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари Алишер Саъдуллаев ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолашди.

TUIT OPEN 2018

ТАТУДА СОВРИНИ 18 МИЛЛИОН СЎМЛИК МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида 24-25 ноябр кунлари дастурлаш бўйича TUIT OPEN 2018 мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа юртимизда АКТ соҳасини янада ривожлантириш, ўқувчи ва талабаларнинг дастурлаш тиллари, IT соҳасидаги инновацион ғояларни яратишга қизиқликларини ошириш мақсадида ташкил этилди.

TUIT OPEN 2018да республикамизнинг барча худудларидан 34та жамоа қатнашди. Шуларнинг 9таси академик лицей ва касб-

хунар коллежлари жамоалари бўлди. Саволлар C++, Java, Python, Pascal дастурлаш тиллари асосида шакллантирилди. Мусобақани ўтказиш тартибига кўра, саволлар махсус тизим орқали онлайн ечилди ва жавоблари маълум қилинди.

Мусобақа ғолибларига пул мукофотлари белгиланганди. Хусусан, олий таълим муассасалари талабалари учун

биринчи ўринга 9 млн., иккинчи ўринга 6 млн., учинчи ўринга 3 млн. сўмдан мукофот пуллари ажратилди.

25 ноябр — мусобақанинг иккинчи кунини дастурлаш бўйича асосий тур бўлиб ўтди. Шу куннинг ўзиде мусобақа натижалари эълон қилинди ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мусобақа якуний натижаларига кўра, биринчи ўринни М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали MSU Tashkent 0, иккинчи ўринни Муҳаммад



ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг TUIT: ALVA, учинчи ўринни ТАТУ Урганч филиалининг TUIT Urgench Branch masters жамоаси эгаллади.

TUIT OPEN 2018 мусобақалари иштирокчилари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, бир-бирлари билан яқиндан танишиб олишлари учун “Gaming round” ташкил этилди.



1-бет.

ЯПОН КРЕДИТЛАРИ ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА

Унинг ҳисобига қандай лойиҳалар амалга оширилади?

Қарор маълумотлар узатиш тармоғига замонавий технологияларни фаол жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кенг полосули оптик тармоқларни ри-

вожлантириш ва “Ўзбектелеком” АК магистрал ва мультисервиси маълумотларни узатиш тармоғини кенгайтириш учун Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банклари кредитини жалб этиш мақсадида қабул қилинган.

Қарорга мувофиқ, Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ва Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC) иштирокида инвестицион: “Магистрал ва мультисервиси маълумотлар узатиш тармоқларини кенгайтириш” ва “IMS технологияси бўйича коммутиция маркаларини модернизация қилиш (IP Multimedia Subsystems)” лойиҳалари амалга оширилади.

“Магистрал ва мультисервиси маълумотлар узатиш тармоқларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида магистрал тармоқни зичлашти-

риш (DWDM) технологияси ва рақамли радиореле қурилмалари технологиялари асосида кенгайтириш назарда тутилган.

Қарорда таъкидланишича, Toyota Tsusho Corporation (Япония) компанияси мазкур лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тендер савдосининг голиби бўлди.

Оптик каналларни (DWDM) муҳрланиш технологиясида магистрал тармоқни кенгайтириш нуқтаи назаридан, “Магистрал ва мультисервиси маълумотлар узатиш тармоқларини кенгайтириш” инвестицион лойиҳанинг умумий қиммати \$56,01 млн.ни ташкил этади. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Япония банки \$52,11 млн. (JBIC – \$44,3 млн. ва SMBC – \$7,81 млн.) кредит маблағларини ажратди.

Лойиҳада магистрал тармоқни қуриш учун қурилмаларни етказиб бериш, монтаж

ва эксплуатацияга киритиш белгиланган:

- вилоятлар даражасида – 200 Гбит/с.;
- туманлар даражасида – 40 Гбит/с.;

Бундан ташқари, бутун мамлакат бўйича 237та телекоммуникациялар объектларида DWDM қурилмаларини ўрнатиш амалга оширилади.

Мазкур қарор доирасида лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини қисқа муддатларда республиканинг барча минтақаларида мисли тармоқдан кенг полосули оптик тармоқларга улашишга ўтиш имконини беради. “Ўзбектелеком” АК магистрал ва мультисервиси маълумотларни узатиш тармоғини кенгайтириш жаҳон интернет тармоғига улашиш тезлигини бир неча баробар ошириб, МДХ мамлакатлари даражасига етказиш имконини беради.

ҲУШЁРЛИК

“БИЛАЙН” КОМПАНИЯСИ ЎЗ АБОНЕНТЛАРИНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

Veeline уяли алоқа оператори абонентларни фибрибгарлик ҳолатларидан огоҳлантирди. Компания абонентлардан ҳушёр бўлишини ва бундай воқеалар ҳақида хабар беришни сўради.

Хусусан:

- агар сиз халқаро кўнғирокни қабул қилган бўлсангиз, лекин кирувчи кўнғирокда Veeline ёки бошқа оператор рақами аниқланган бўлса, бизга хабар беринг;

- Сиз ютук ҳақида SMS-хабар олдингиз ва жўнатувчи сиздан ҳар қандай хатти-ҳаракатларни бажаришингизни сўрамоқда (хабар юбориш, кўнғирок қилиш ва ҳ.к.);

- Сизга номаълум рақамдан кўнғирок қилиши, ўзларини оператор деб таништириб, сиздан кўнғирок қилишни ёки бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширишни сўрашди;

- Сизнинг рақамингизга, номаълум хорижий рақамдан кўнғирокни қабул қилдингиз (ва кимлигини билмаяпсиз);

- Сиздан ижтимоий тармоқлар аккаунти ва ҳар қандай почта хизматлари бўйича блок ҳолатидан очиш учун смс ёки кўнғирок қилишни

талаб қилишмоқда, дейилди компания хабарида.

Маълум қилинишича, фибрибгарлик оқибатида ҳисобдан маблағ олиб қўйилиши, шахсий маълумотлар тарқатилиши мумкин.

Компания абонентлар бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ёрдам бериши мумкинлигини, бу эса фибрибгарларни аниқлашда, кейинчалик улар жиддий жавобгарликка тортилишларини билдирган.

Бундай воқеа юз берган бўлса, унда биринчи навбатда нима қилиш керак?

Бунда:

- шубҳали манбаларга ва шахсларга ишонманг ва маблағларингиз ечилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширманг;

- ҳеч кимга парол ва шахсий маълумотларни берманг, ҳаттоки кўнғирок қилувчи давлат органи ходими, банк ёки бошқа муассасалар ходими бўлса ҳам;

- ҳар қандай қулай тарзда, бизнинг қўллаб-қувватлаш хизматимизга боғланинг, дейилди компания берган йўриқномада.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155 ва 278-моддаларига биноан телекоммуникация тармоғига ноқонуний (рухсатсиз) кириш 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

УРГАНЧ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИДА УЧУВЧИСИЗ УЧИШ АППАРАТИ ОЛИБ ЎТИШГА УРИНГАН ФУҚАРО ТЎХТАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида учувчисиз учиш қурилмаларидан санкциясиз фойдаланишда огоҳлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2014 йил 26 ноябрдаги 322-қарорига асосан 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учувчисиз учиш қурилмаларини олиб кириш, сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланган.



Мазкур қурилмаларни фақатгина Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида кўзда тутилган ҳолларда айрим ташкилотлар томонидан олиб кириш, реализация қилиш ва фойдаланишга рухсат берилган.

Шунга қарамай, жисмоний шахслар томонидан бу турдаги қурилмаларни божхона назоратидан яширинча олиб киришга уринишлар кўзга ташланмоқда. Ана шундай ҳолатларнинг навбатдагиси Урганч халқаро аэропортида аниқланди.

Санкт-Петербург — Урганч йўналиши бўйича парвозини якунлаган фуқаро Б.Ж. божхона назоратидан “яшил” йўлак орқали ўтар экан, унинг безовталаниши

божхона ходимларида бежиз шубҳа уйғотмаган экан.

Унга тегишли қўл юклари назорат-рентген аппарати орқали ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, юклар орасида божхона ходимларининг озгаки сўрови пайтида маълум қилинмаган бир дона учувчисиз учиш аппарати яширилганлиги фож бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу “Урганч аэропорти” чегара божхона пости ходимлари томонидан жорий йилда аниқланган учувчисиз учиш аппаратларини олиб ўтиш билан боғлиқ ўзиничи ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳисобланади.



ОЛТИНТОПАРЛАР ЮРТИДАН ЧИҚҚАН ЭНГ ЁШ АКАДЕМИК

Техника фанлари доктори, Федерал давлат автоном таълим муассасаси Миллий технологик тадқиқотлар университети МИСиСнинг Олмалиқ шаҳридаги филиали директори, Евроосиё кончилик фанлари академиясининг энг ёш академиги Фарҳодбек УМАРОВни болалигидан биламан. Журналистлар оиласида вояга етган бу йигитнинг таржимаи ҳоли кўпчиликнинг ҳавасини келтириши аниқ.



“Бугун бизга, айниқса, ёшларга яратилган имкониятлар, шароитлар ҳар қандай фаннинг, ҳар қандай соҳанинг ривожланишига асос ва қанот эканлигини тан олишимиз керак.”

Навоий шаҳридаги 11-умумтаълим мактабида ўқиган Фарҳодбек ташкилотчилиги, ташаббускорлиги билан ҳаммадан ажралиб турарди. Ўқувчилик йиллариданоқ вилоят радиосида “Навоий тонги” деб номланган ёшлар радиожурналини ташкил этиб, ўзи ҳам бошловчилик, ҳам мухбирлик қиларди. Радиожурнал ранг-баранглиги учун тинмай изланарди. Мактабни тугатиб, институтда тахсил олди. Ўрта Осиёдаги ягона олий таълим даргоҳи бўлган Навоий давлат кончилик институтининг биринчи битирувчиларидан бири эканлиги ҳам қаҳрамонимиз ҳаётидаги тарихий воқеа.

Институтни тугатгач, оиласидаги Марказий кон бошқармасига қарашли Мурунтов олтин конида машинист ёрдамчиси вазифасида қарьерда иш бошлади. Ёш мутахассиснинг кончилик соҳасидаги истиқболи айнан ана шу олтинтопарлар юртида бошланган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Фарҳодбек малакали устозлардан конда ишлаш қондаларини ўрганди. Кейин шу йўналишда Тошкент давлат техника университетида ўқиб, магистрлик унвонини олди. Илмий изланишлар олиб бориб, 32 ёшида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўттиз тўққиз ёшида эса докторлик диссертациясини ёқлаш шарафига муяссар бўлди. Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмастлигини ана шу диссертация химоysi мисолида яна бир қарра исботлади. Чунки кончиликка меҳр, соҳага чин дилдан қизиқиш, билимларни эгаллаш мақсади уни докторлик диссертациясини айнан шу кон мисолида ёқлашга ундади.

Ўқиш, изланишлар зое кетмади. Тошкент давлат техника университетининг геология ва

кончилик иши факултети декани вазифасида ишлаган йилларида ҳам, Федерал давлат автоном таълим муассасаси Миллий технологик тадқиқотлар университети МИСиСнинг Олмалиқ шаҳридаги филиалига директорлик қилганида ҳам юксак марраларни, ёруғ манзилларни кўзлаб кам бўлмади.

Мамлакатимиз тоғ-кон саноатини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган қаҳрамонимизга яқиндагина Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 60 йиллик тантаналари нишонланаётган кунда Евроосиё кончилик фанлари академиясининг академиги деган шарафли унвон тантанали равишда топширилди. Қувончлар, олқишлар, ҳаяжонли учрашувларнинг чекичегараси йўқ.

— **Фарҳодбек Яркулович, муваффақиятларингиздан мамнунимиз, қувончингизга шерикимиз, табриклаймиз! Шу кунларда қалбингиздан қандай ўйлар, хотиралар кечмоқда?**

— Болалигимда шўролар тузуми даврида халқимиз кундалик эҳтиёжига зарур бўлган олдий хўжалик моллари, нефть ва нефть маҳсулотлари, галланнинг 80 фоиздан ортиги, туз, ҳатто тугурт ҳам четдан олиб келинишига оид хабарларни кўп эшитганман. Маданиятли, илмий, маърифатли ҳамюртларимизга тазйиқлар, туҳмату бўҳтонлар қилиш етмаганидек, истиқлолга қадар кўплаб олий таълим даргоҳларининг бинолари эски ва кўримсиз, моддий-техник базаси ҳам ночор, аудиториялар, ўқув лабораториялари етишмаслиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Боз устига кончилик тизимида миллий кадрларга эътибор йўқ эди. Кадрлар асосан четдан тактиф қилинарди. Мустақиллик

ушбу тизимга янги эпкин бахш этди. Бугун маъданли конлар ишчиси замонавий шароитда ишляпти.

Кончилик амалиётида рудани юқорига чиқариш билан боғлиқ жараёнлар ҳар доим такомиллашув ва янги-янги технологиялар жорий этишни тақозо қилади. Бу тадбирлар аввало энергия ресурслари ва вақтни тежашни кўзда тутлади. Мурунтовда 2011 йилда фойдаланишга топширилган янги линиянинг шу жиҳатдан самараси ўзгача. Рудани 270 метр баландликка етказиб берадиган мазкур тик қия конвейернинг иш унумдорлиги соатига 3500 тонна ва бу аънавий усулларга қараганда сезиларли камхаржлиги билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, ушбу технология истиқболда конда қазиш ишларини 1000 метр чуқурликкача давом эттириш имконини беради.

Бир вақтлар олимлар ўзлари танлаган соҳалари бўйича номзодлик диссертацияларини химоя қилиш учун бутун умрларини бахш этганликларини, ҳатто умри тугаб, бошлаган илмий ишларини охирига етказмаганликларини кўпчилигимиз ўқиганмиз, эшитганмиз. Бугун бизга, айниқса, ёшларга яратилган имкониятлар, шароитлар ҳар қандай фаннинг, ҳар қандай соҳанинг ривожланишига асос ва қанот эканлигини тан олишимиз керак.

— **Сиз тахсил олган Навоий давлат кончилик институти бугун нафақат малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, балки юксак илмий салоҳиятга эга олимларни етиштириш билан ҳам машғурдир. Бу борадаги фикрларингиз?**

— Ҳақиқатан ҳам, бу олийгоҳда салоҳият ҳам, имконият ҳам катта. Айнан шу институтда Тошкент давлат техника университети, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қилируви институти, Геология ва геофизика институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгашнинг фаолият юритаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгашга техника фанлари доктори, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, сенатор, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондиқ Санақулов раислик қилмоқда. Академиклар, фан докторлари, профессорлар, илм-фан фидойиларидан таркиб топган нуфузли Илмий кенгаш қанчадан-қанча олимларга раҳнамо бўлмоқда.

“Чуқур қарьерларда маъсулликни муҳандислик иншоотлари ҳолатини бошқариш усуллари ишлаб чиқиш” мавзудаги докторлик диссертациям айнан мазкур Илмий кенгаш аъзолари томонидан қўллаб-қувватланган. Техника фанлари доктори

деган шарафли номга сазовор бўлганман. Чуқур қарьерлардаги маъсул муҳандислик иншоотлари ҳолатини бошқариш усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг, жумладан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой, Чехия, Россия Федерациясидаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларда ҳам олиб борилмоқда.

Ушбу нуфузли Илмий кенгаш аъзолари орасида бугун қадрли устозларим сафида эканлигимдан фахрланаман.

— **Устозларингиз ҳақидаги фикрларингизни билишни истардик.**

— Ҳамиша қаерда ўқимай, қаерда ишламай яхши устозлар меҳридан, билимлари хазинасидан баҳраманд бўлганман. Ҳозир ҳам ана шундай яхши инсонлар ёнидаман, улардан ўрганишга ҳаракат қиламан. Яқинда Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 60 йиллик байрами тантаналарида академик унвонини олганларнинг барчаси менга олий таълим даргоҳида сабоқ берган, иш жараёнида менга қанот бўлган устозларим эканлиги билан гурурдандим. Ва ўзбекистонлик олти нафар олим — техника фанлари докторлари Баҳодир Раимжонов, Юнус Норов, Ўткир Носиров, Қувондиқ Санақулов, Илҳом Мислибевлар қаторида мен ҳам борлигимдан бошим кўкка етди.

Юбилей тантаналари чоғида яна бир устозим — Мурунтов қарьерида илк иш бошлаган йилларимда мендек ёш машинист ёрдамчисига кончилик соҳасига меҳр уйғотган инсон НКМКнинг Марказий кон бошқармаси “Мурунтов” кони кончилик-транспорт участкаси бошлиги Лопатин Юрий Сергеевичнинг “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими” унвонига сазовор бўлгани билан табриклаш бахти ҳам насиб этгани эса қувончларимнинг давоми бўлди.

— **Журналистлар оиласининг фарзанди сифатида журналистларга тилакларингиз?**

— Бу машаққатли ва шарафли соҳа вакилларини худди отам ва онамдек ҳурмат қиламан. Бу касб эгаларининг нони қаттиқ, аммо ҳалол. Биз ана шу нонни еб қамолга етганмиз. Доимо замон билан ҳамнафас, керак бўлса бир қадам олдинда юралиган ана шу касб соҳибларининг қадрлари баланд бўлишини истаётман. Инновацион технологиялар, замонавий янгиликлар, тараққиётнинг олтин қалитлари ҳақида янгича мавзуларни ёритаётган, АКТнинг истиқболларини кўрсатиб бераётган “Xabar” газетаси тахририяти жамоасига ижодий юксаклик тилайман.

— **Сўхбатингиз учун ташаккур!**

Маруся ҲОСИЛОВА
сўхбатлашди

ОТА ОРЗУСИ ОЛГА ЧОРЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги нишонланиши муносабати билан ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг юксак даражада раванқ топишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бир гуруҳ раҳбар ходимлар ва мутахассислар Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг идоравий муқофотлари билан тақдирланган эди. Улар қаторида “UNICON.UZ” – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Зокир ХУСАНОВ ҳам “Моҳир алоқачи” фахрий унвонини олишга муяссар бўлди.

Зокир Хусанов 1965 йили Тошкент шаҳрида, ҳайдовчи Комилжон ака ҳамда тикувчи Муқаддила опа Хусановлар oilасида таваллуд топди. Комилжон ака шароит огирлиги туфайли олий билмаганлиги боис тўрт нафар фарзандини ўқимишли, билимли бўлишларини, эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишларини орзу қилар эди.

— Лекин, отажонимга бизнинг камолимизни кўриш насиб этмади, — дейди Зокир Хусанов афсусланиб. — Энди 12 ёшга тўлганимда у киши вафот этиб, фарзандлар тарбияси онажоним зиммасида қолди. Онам рус ти-

лини яхши биладиган, китоб ўқишни севувчи ақлли аёл бўлгани сабаб бизнинг яхши ўқишимиз учун ҳамма шароитларни яратиб берди.

Бирортамиз ўқишдан сал чалғийдиган бўлсак, онам дарҳол отажоним орзуларини эслатар, “Отангиз руҳи уйимизда юрибди. У кишини хурсанд қиламан десанг, бутун диққатингни илм олишга қарат”, дердилар. Қийналган пайтларимда онамнинг ана шу гаплари ёдимга тушар, отамнинг орзулари амалга ошиши учун олга интилардим.

Зокир Хусанов Мирзо Улугбек туманидаги 99-мактабни аъло баҳоларга битириб, акалари изидан боришга қарор қилди — ҳужжат-

ларини Тошкент электротехника алоқа институтига топширди. Институтни ҳам муваффақиятли битириб, мана 30 йилдирки, алоқа соҳасининг турли тармоқларида, турли вазифаларда меҳнат қиляпти.

— Зокир Хусанов илмий тадқиқот ишлари, норматив-ҳуқуқий акт ва норматив ҳужжатларни, давлат ва тармоқ стандартларини ишлаб чиқишда малакали мутахассислардан бири, — дейди “UNICON.UZ” ДУК директор ўринбосари Баҳодиржон Якубов. — У кишининг ҳаммуаллифлигида радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва электромагнит мослашув соҳаси ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлган бешта илмий-тадқиқот иши амалга оширилган.

Қаҳрамонимиз ушбу корхонадаги фаолияти давомида радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ускуналарига техник талаблар ва ўлчаш методларини белгилаш, шунингдек, техник воситаларнинг электромагнит мослашуви йўналишларига оид 30дан ортиқ давлат ва тармоқ стандартларини ишлаб чиқди. Мазкур норматив ҳужжатлар ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида ишлатиладиган техник воситаларнинг электромагнит мослашувини таъминлаб, сифатли ва узлуксиз ишлаши учун кенг қўлланилади.

Зокир Хусанов ёш мутахассисларга устозлик қилиб, улар малакасини оширишдек масъул ишга ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Унинг қўл остида ўнлаб олий ўқув юрталари ва касб-ҳунар коллежалари битирувчилари фаолият юритишяпти. Моҳир алоқачининг бир қатор шоғирдлари бугунги кунда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг турли корхона ва ташкилотларида

масъул лавозимларда иш юритмоқдалар. У ўз шоғирдларига иш кўникмаларини синдириш билан бир қаторда, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида олиб борилётган давлат сиёсати моҳияти, амалга оширилаётган ислохотлар аҳамияти ва соҳа истиқболли борасида ҳам кенг ва чуқур тушунчалар бериб боради.

З.Хусанов Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларининг диплом ишларига ҳам раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида уч нафар бакалавр битирувчисининг диплом ишига раҳбарлик қилган. Турли илмий журналларда илмий мақолалари chop этилган.

— Оилам — менинг бахтим, — дейди Зокир Хусанов. — Рафиқам Солиҳа билан биргаликда тўрт нафар фарзандни вояга етказдик. Улар ҳам алоқа соҳаси вакиллари. Ўғлим Рамзиддин Малайзиядаги университетлардан бирида АТ йўналиши бўйича ўқиб, айни пайтда Тошкентдаги ИНҲА университетида профессор ёрдамчиси бўлиб ишламоқда. Хуршид ўғлим Турин университетида 2-босқич, Зилола қизим ТАТУнинг 3-босқич талабалари бўлишса, кенжам Жавоҳир политехника лицейи ўқувчиси.

Мен эришган ютуғим учун аввало ота-онамдан миннатдорман. Қолаверса, соҳамиз раҳбарлари камтарона меҳнатимни юксак баҳолаган экан, бундан кейин ҳам бор куч-гайратимни сарфлаб меҳнат қилавераман. Биз ҳам касбининг фидойиси бўлмиш Зокир Хусанова муваффақиятларингиз сони ошаверсин, деймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
“Xabar” мухбири

Иброҳим ДУШАНОВ
олган сурат.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК

КИБЕРХАВФСИЗЛИК ТАНЛОВИ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ТОМОНИДАН МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Киберхавфсизлик... Бугунги кунда айнан ушбу тушунча ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кўплаб турдаги жиноятларни ўзида бirlаштирган.

Вирус ва бошқа зарарли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва уларни тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш, ҳакерлик ҳужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллиф-

лик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ва банк реквизитларини ўғирлаш ҳамда бошқа турли ҳуқуқбузарликлар шулар жумласидандир. Ушбу ҳолатларда жиноятчилар ўзларини қизиқтирган “объектлар”га молдий ва маънавий зарар етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Бундай кимсалар доираси эса йилдан-йилга кен-

гайиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

27-29 ноябр кунлари Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида киберхавфсизлик танлови ташкилотчилари томонидан маҳорат дарслари олиб борилди.

Бундан қўзланган мақсад,

киберхавфсизликка қизиқувчи ёшлар ва ўрганувчиларни соҳа корхоналарида ўз ўринларини топишга кўмаклашиш, иқтидорли ёшларни саралаб олиш, уларни давлат идораларига жалб қилган ҳолда ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштиришдир.

Миржалол ФАЙЗУЛЛАЕВ

«БЕЗОПАСНЫЙ ГОРОД»: ТЕХНОЛОГИИ И ПОДСИСТЕМЫ, ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

Основной предпосылкой к созданию и развитию единого аппаратно-программного комплекса «Безопасный город» (далее – комплекс «Безопасный город»), является исключительная важность вопросов общественной безопасности наряду со сложностью их реализации, в том числе ввиду отсутствия единого подхода к координации решения этих вопросов. Решение данной проблемы обуславливает необходимость создания единой инфраструктуры информационно-коммуникационных ресурсов, систем и средств, одинаково полезной, как для решения вопросов общественной безопасности, так и для обеспечения соответствующего взаимодействия государственных органов Республики Узбекистан в рамках выявления, реагирования, а также профилактики происшествий, инцидентов и чрезвычайных ситуаций.

Одной из приоритетных задач государства является создание достойных условий жизни для наших граждан и туристов, прибывающих в нашу республику.

Одним из факторов является создание комфортных условий проживания, обеспечение общественной безопасности населения, своевременное оказание экстренной помощи, создание условий для безопасного передвижения и прозрачности обучения нашего подрастающего поколения и условий для полноценного отдыха.

В целях решения вышеуказанной задачи Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий» от 29 августа 2017 года на Центр информационной безопасности и содействия в обеспечении общественного порядка (далее – Центр) возложена задача создания комплекса «Безопасный город». Создание комплекса «Безопасный город» предусматривает:

- автоматизацию деятельности правоохранительных органов, государственных органов и иных организаций в области обеспечения экстренного реагирования и ликвидации ЧС и происшествий, а также повышение уровня безопасности жизнедеятельности населения;

- внедрение систем видеонаблюдения, видео- и фотофиксации правонарушений, охраны объектов в целях своевременного реагирования и оповещения населения о возможных угрозах;

- оснащение критически важных объектов датчиками интеллектуальной аналитики;
- интеграцию уже имеющихся и создаваемых в рамках данного комплекса информационных систем уполномоченных министерств и ведомств и центров обработки данных.

Для эффективного и качественного выполнения задач, предусмотренных вышеуказанным постановлением, утверждена Программа поэтапных мер по созданию единого аппаратно-программного комплекса «Безопасный город», образована Комиссия по координации реализации проекта по созданию единого аппаратно-программного комплекса «Безопасный город» и утверждена доработанная концепция создания и развития аппаратно-программного комплекса «Безопасный город».

Согласно утвержденной концепции, базовым функцио-



налом комплекса «Безопасный город» определены следующие основные элементы:

- обеспечение общественного порядка;
- обеспечение безопасности на транспорте;
- обеспечение пожарной безопасности и ликвидации пожаров;
- обеспечение экологической безопасности;
- предупреждение и ликвидация ЧП и ЧС и их последствий;
- координация работы экстренных служб и взаимодействие министерств и ведомств.

Исходя из вышеуказанного базового функционала, протокольным решением заседания Комиссии по координации реализации проекта по созданию единого аппаратно-программного комплекса принята программа поэтапных мер по созданию пилотного проекта «Безопасный город» в Шайхантохурском районе города Ташкента с участием местных компаний – резидентов Мирзо-Улугбекского Инновационного Центра и в рамках которого будут внедряться следующие компоненты:

1. Видеонаблюдение и обеспечение общественного порядка;
2. Координация экстренных служб;
3. Геоинформационная система «Электронная карта»;
4. Безопасный дом/маhalла/территория;
5. Безопасность образовательных учреждений;
6. Экологический контроль;
7. Регулирование стоянок и парковок;
8. Кризисная комната;
9. Обработки и хранения данных.

1. Видеонаблюдение и обеспечение общественного порядка.

Система видеонаблюдения способствует достижению целей обеспечения общественной и производственной безопасности в таких местах, как: парки, аэропорт, вокзалы, торго-

вые центры, бизнес-центры, учебные и образовательные учреждения, места массового скопления людей, парковки, театры, махалли, дома.

Основными задачами данного компонента являются:

- своевременное предупреждение, выявление и пресечение преступлений и правонарушений;
- своевременное обнаружение нештатных ситуаций (чрезвычайных происшествий), подозрительных предметов, оставленных без присмотра;
- обеспечение эффективного мониторинга оперативной обстановки на объектах;
- принятие оперативных мер при возникновении нештатных ситуаций в зоне наблюдения;
- восстановление хода событий на основе записанных видеоматериалов;
- визуальная фиксация и документирование оперативной обстановки в поле обзора видеокамер;
- выявление лиц и транспорта, находящегося в розыске;
- дистанционное управление видеокамерами.

2. Координация экстренных служб.

В задачу данного компонента входит получение, обработка и передача информации, полученной от граждан и организаций, в соответствующие экстренные оперативные службы (пожарная безопасность, милиция, скорая помощь, аварийная служба газа, служба спасения) об авариях и чрезвычайных ситуациях, а также фактах, создающих угрозу их возникновения.

Основной задачей является осуществление взаимодействия с аварийными и экстренными службами города по обмену информацией о происшествиях и чрезвычайных ситуациях, а также при реагировании на них.

3. Геоинформационная система «Электронная карта».

Геоинформационная сис-

тема (далее – ГИС) «Электронная карта» является объектом интерфейса, на котором будут отображены все слои, датчики, камеры и другие объекты общегородской системы безопасности. ГИС представляет собой инструмент анализа информации – например, может использоваться для выбора кратчайшего или быстрого пути из одной точки в другую для оперативной бригады.

ГИС должна включать в себя следующие слои:

- слой «Криминальная обстановка» (статистика правонарушений);
- слой «ЧС» (заблаговременное прогнозирование чрезвычайных ситуаций, а также предупреждение и ликвидация);
- слой «Инженерная инфраструктура» (линии электропередач, вода, газ, линии связи и прочее);
- слой «Городская инфраструктура» (строительные, аварийные работы);
- слой «Транспортная логистика» (пробки, маршруты автобусов, ДТП).

4. Безопасный дом/маhalла/территория.

«Безопасность жилых домов».

Это повышение качества жизни жителей многоквартирных домов благодаря профилактике правонарушений и росту раскрываемости преступлений. «Безопасная маhalла».

Повышение безопасности и качества жизни граждан.

Минимизация угроз безопасности для объектов жизнеобеспечения, промышленной и транспортной инфраструктуры от чрезвычайных ситуаций, террористических и криминальных угроз.

Обеспечение экологической безопасности, ресурсосбережения и энергоэффективности.

Повышение эффективности управления социальной, экономической и культурной сферами на территории махалли.

«Безопасность территории».

Обеспечение безопасного и устойчивого развития территории, жизни и здоровья населения, проживающего на ней, в условиях возможных внешних и внутренних угроз. Достигается комплексом правовых, организационных, технологических, инженерно-технических и иных мер в зависимости от возможных конкретных угроз.

5. Безопасность образовательных учреждений.

Внедрение компонента «Безопасность образовательных учреждений» направлено на обеспечение защищенности и безопасности учащихся во время их нахождения на территории образовательных учреждений, исключение возможности похищения детей, мониторинг их передвижения, предупреждение об угрозах здоровью, повышение общего уровня благополучия, успеваемости учащихся и общественного порядка в образователь-

ных учреждениях.

6. Экологический контроль.

Это комплекс мер, направленных на выявление и предотвращение нарушений в области охраны окружающей среды, рационального использования природных ресурсов и обеспечения экологической стабильности.

7. Регулирование стоянок и парковок.

Применение данного компонента создаст комфортные условия для граждан, повысит качество жизни, сократит количество заторов на дорогах, преобразит облик города и сделает его более ориентированным на удобство граждан, повысит туристическую привлекательность города, позволит сократить время поиска свободного места на стоянках и повысит защищенность самих стоянок.

8. Кризисная комната.

Внедряемое решение должно поддерживать кластерную модель, при которой общая система ситуационного центра в масштабах города/республики состоит из нескольких отдельных центров (кризисных комнат), включающих видеостены и системы диспетчеризации, управления и рабочих мест диспетчеров, и позволяет в любой момент времени частично и/или полностью перенести и/или продублировать функционал диспетчеризации системами из одного центра (узла) в другой, таким образом, чтобы видеостены узлов отображали одинаковую информацию на требуемых участках. Кризисная комната должна включать:

- центр мониторинга;
- средства видеоконференцсвязи;
- звуковые системы и конференц-системы;
- систему контроля доступа.

9. Обработка и хранение данных.

Данный компонент представляет собой аппаратно-программный комплекс, состоящий из следующих основных систем:

- система хранения данных;
- система резервирования;
- система администрирования;
- система обеспечения информационной безопасности.

Таким образом, реализация пилотного проекта комплекса «Безопасный город» в Шайхантохурском районе города Ташкента даст возможность проанализировать компоненты, а также посмотреть наглядно возможности реализации всего проекта «Безопасный город» для всей Республики Узбекистан, т.к. проект должен быть охвачен по всей стране до 2023 года.

Асаджон ХОДЖАЕВ,
директор Центра информационной безопасности и содействия в обеспечении общественного порядка

ОЛАМШУМУЛ ИХТИРОЛАР ИЖОДКОРЛАРИ

Хитой нафақат саноати, техникаси ривожланган, қурилиш ва архитектурасининг ноёб ва бетакрорлиги билан донг таратган, балки илм-фан, санъат, маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан ҳам дунё мамлакатларини ҳайратга солиб келадиган давлат сифатида маълум ва машҳурдир. Буни мазкур давлатга бир ҳафталик сафаримизнинг атиги бир неча соатларини ўтказган Гуланюй оролига саёҳатда кўрган мўъжизалар мисолида эътироф этиш мумкин.

Оролдаги хазина

Афсонавий, бетакрор гулларга, ноёб дарахтларга бурканган бу масканга қиёс тополмадик. Оролда яшовчилар унча кўп эмас, аммо келиб-кетувчиларнинг сон-саногини йўқ. Бу орол транспорт воситаларининг шовқини ва зарарли исларидан холи бўлган муссафо макон. Оролга ошиқатган сув лайнерларининг кети узилмайди. Бу эса одамларнинг оролга интилиши жуда баландлигидан, ички туризмнинг ривожланганлигидан далolatдир. Ҳатто келин-куёвлар ҳам шу оролга келиб бахтиёр лаҳзаларини суратларда муҳрлаши ўзига хос анъанга айланган. Худди бахт улқасига ўхшайди бу орол.

Оролдаги яна бир хазина билан танишдик. Мусиқа санъатига ҳурмат бобида ҳам Хитойнинг ўзига хос тажрибаси борлигига гувоҳ бўлдик. Оролнинг энг юқори қисмидаги саройда жойлашган дунёдаги энг ноёб Пианино музейидан жой олган турли аср, турли даврларга оид мусиқа асбоблари ҳақидаги маълумотлар билан танишар эканмиз, уларнинг ярқираган ҳолатда худди янгидек сақланаётганлигига ҳавасимиз келди. Оёқ билан чалинадиган ярим автомат фортепиано ҳам музейдан жой олганлиги, мусиқа тарихининг ўтмиши узунлигини кўрсатиб турибди. Ҳар бирининг ўзига хос оҳанги, ўзига хос жаранги борки, бу музейга кирган миллиатдан қатъи назар миллионлаб кишилар қалбини ажиб ҳисларга, ширин хотираларга тўлдирди аниқ.

Тамаддулар бешиги

Яна бир жиҳат. Хитой дунёдаги қадимий цивилизация бешиги деб беизига таърифланмайди. Тилида 80 мингта белги бор. Университетни ту-



гатган ҳар бир хитойлик ўртача 5 минг иероглифни билади. Минтақавий шевалар бир-бирдан фарқ қилади. Уларни ягона иероглиф ёзув бирлаштиради. Ўз тилини ниҳоятда севадиган халқ. Жуда кўпчилиги Америка, Англия ва Европа давлатларидаги нуфузли олий ўқув юрларида таҳсил олган бўлса-да, зарурат бўлмаса, ўз тилидан бошқа тилда гаплашмайди.

Бу давлат қадимий анъаналарни ўз ҳолича, ҳеч қандай бўёқларсиз, таъмирларсиз сақлаб қолишга эришгани билан ҳам диққатга сазовор. Ҳатто қадимда бадавлат хитойликлар яшаган эски ҳовлиларда ҳам тарихий ва миллий руҳ борлиги кишини ҳайратга солади. Худди музейга айланган дейсиз. Кўришга қизиқувчиларнинг қалами узилмайди. Ана шундай мўъжиз ҳовлилардан бирида бўлдик. Кичик театр ҳовлиси. Сув устида кичкина сахна ўрнатилган. Сабаби билан қизиқдик. Бизга таржимонлик қилаётган гид саҳнанинг сув устида бўлиши сирини овозни тиниқлаштириб, яхши етказиб бериши эканлигида, деб изоҳлади.

Илмга

қўйилган ҳайкал

Хитойга сафаримиз чоғида бизни ҳайратга солган яна бир илм ва маърифат даргоҳи Чин мамлакатидagi энг катта до-ри-лунлардан бири – Сямэн университети бўлди. 88та факултети ва 40 000 нафар талабаси бор бу олий таълим даргоҳига 1921 йилда бизнесмен-эмигрант Чэн Цзянг ўз

маблағларига барпо этган. Бир вақтлар молиявий қийинчиликларга дуч келган чоғида ўз уйларини сотиб, олий таълим даргоҳини сақлаб қолган бу ватанпарвар инсон билан хитойликлар фахрланди. Унинг ҳайкали бугун университет ҳовлисида виқор билан турибди. Ана шу ватанпарварлик талабаларга ҳам ўтганлигини университетни битириб кетган собиқ талабалар ўз ҳисобларидан янги корпус қуриб берганлиги билан изоҳлаш мумкин. Университетда талабалар учун барча шароитлар яратилган. Ҳовлисида кичик бир шаҳарчага ўхшайди. Бир-бирдан маҳобатли ва кўркем ўқув бинолари, тарихдан сўзлагувчи музей, кутубхоналар. Биргина стадионнинг ўзи худди халқаро мусобақалар ўтказишга мўлжалланган стадионлардан қолишмайди. Боғлар, ноёб гуллар, ажиб кўл. Ҳаммаси худди афсоналардагидек.

Бу ердаги экологик муҳитни жаннатмонанд деб таърифласак арзийди. Хитой хурмо дарахтининг сеҳрли хислати ҳам бизни лол қолдирди. Чунки бу дарахт ҳар ўқув йилида икки марта – 1-семестр тугаганда бир бор ва 2-семестр тугаганда иккинчи марта гуллар экан. Табиат мўъжизаси.

Гурур ва ахлоқ уйғунлиги

Сафаримиз чоғида хитойлик ёшларнинг билими, тиришқоқ ва юксак маънавият соҳиб эканлигига гувоҳ бўлдик. Уларнинг одоб-ахлоқи, гурури баланд, иродаси кучли. Кўча-

қуйда беўхшов кийинган ёки ўзини енгил-елпи тутган, ҳатто кўл ушлашиб юрган ёшларнида учратмадик. Ахлоқ нормалари жуда кучли.

Дўстлик ришталари узилмасин

Пресс-турдаги ижодий сафар Хитойнинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ассоциацияси фаолияти билан танишиш ила якунланди. Бу ташкилот Хитой халқи билан бошқа мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган умуммиллий дипломатик ташкилотлардан бири.

Жаҳондаги 157 давлатдаги 500дан ортиқ жамоат ташкилотлари билан дўстона алоқалар ўрнатишга эришган мазкур ташкилот маъмуриятига, бизга сафар давомида ҳамроҳлик ва таржимонлик қилган ташкилотнинг Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича департаменти масъул ходими Денис (Цай Юнжэ)га, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонасига ва Ўзбекистонда фаолият юритаётган Журналистларни қайта тайёрлаш марказига самимий миннатдорлигимизни билдирамыз. Президентимиз томонидан илгари сурилган гоъларнинг амалдаги ижроси сифатида барча соҳаларда жаҳон тажрибасини ўрганиши, хориж мамлакатлари билан тажриба алмашиш журналистларга ҳам ижодий юксаклик, илҳом бағишлаши шубҳасиз.

Тош маданияти боғи, Чой музейига ташриф, махсус чой маросими, тантанали қабуллар, ҳайратга сазовор attraction ўйинлари, император аёлга кўзгулик қилган тарихий катта тош ойна, маҳобатли кўприклар, яшил тоғлар, бетакрор, қиёси йўқ гуллар, шовуллаб турган денгиз тўлганлари, тезоран поездлар, ўзига хос авиалайнерлар, латофатли стюардессалар, беш юдузли меҳмонхоналарнинг самимий ва меҳмондўст ходимлари, Хитой халқи учун энг қимматли нондек азиз – гуруч, денгиз ўтларидан тайёрланган антика таомлар... энг муҳими, чиққ чехрали, меҳнатқаш, оламшумул ихтироларнинг ижодкори бўлган Хитой халқи, ҳамма-ҳаммаси Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстликни ёдга солиб туради, ҳеч қачон унутилмайди...

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

У СОҲА ГҲЁКИ ЭГАСИСИЗ ҚОЛГАНДЕК!

Журналистлик бутун дунёда энг хавfli ва ҳатто соғлиқ учун зарарли, шунингдек, халқ дардига дахлдор шарафли касблардан ҳисобланади. Ҳар йили жаҳонда ҳақ сўзи ёки қонли фожеаларнинг илдизларини фош этгани учун кўплаб журналистлар қурбон бўладилар. Ҳазирда ҳам қайси-дир зўравоннинг "палагини" босиб қўйиб, таъқибга учраган ҳамкасбларимиз кам эмас. Хуллас, журналистлик ҳурматга лойиқ касб. Чунки журналистни қалами, кўз нури ва оёғи боқади. У фақат ойлик билан тирикчилик қилади, демакки, ҳалол яшашга маҳкум.



“Бугун, рост гап, журналистлар, газета ва журналлар ёрдамга муҳтож! Барча таҳририятлар нима қилишларини, эртага қандай аҳволга тушишларини билмай, ночор қолишган. Гўё соҳанинг эгаси йўқдек. Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар, ислохотлар бу муаммонинг ҳам ечими топилишига умид уйғотади.”

Кейинги пайтларда электрон оммавий ахборот воситаларида (тўғрироғи, айрим сайтларда) "мажбурий обуна" ҳақида тинимсиз "айюҳаннос" солинмоқда. Бир фактни қайта-қайта келтиришдан ҳам уялмаяптилар. Оқибат шу бўлдики, мавсум баҳона бирон-бир ташкилот ёки корхонага бориб, ўз нашингизга обуна бўлишни таклиф этсангиз, "Қўйинг ака! Интернетни ўқимадингизми? Мажбурий обуна қилгани учун фалон "Район"нинг мудирини, фалон идоранинг бошлиғини ишдан кетибди, дейишгача бориб етишмоқда. "Ҳой, мусулмон, бирон нашрга обуна бўлишни таклиф қилиш — бу мажбурий обуна дегани эмас-ку", десангиз, ҳурматли "сайтчи"ларнинг гапларини рўқач қилишади. Бу, бизнингча, нотўғри!

Газета ва журналларни тарғиб қилиш ҳам мумкин бўлмаса, хўш, унда улар дардини кимга айтсин?! Аслида-ку "салла деса, каллани олувчилар" аҳволни шу даражага келтирдилар. Аввало жамиятимиз, халқимиз бу "васваса"ларга тайёр эмас эди. "Сайтчи"лар айтган ўша "мажбурий обуна" туфайли (аслида бу тўғри эмас, инкор этмаймиз) чекка-чекка-

лардаги ўқув юртлари, маҳалларгача асосий нашрлар етиб борарди (чунки обуна нархлари қиммат бўлгани учун ҳеч ким якка тартибда обуна бўлмай қўйган). Одамлар идоралардаги, кутубхоналардаги "подшивка"лардан, зарур бўлганда, фойдаланиб турардилар. Энди "сайтчи"лар шунга ҳам "барҳам бермоқдалар". Улар ҳатто "босма нашрларнинг даври ўтди, кераги йўқ", дейишгача боришмоқда. Тавба-тавба, энг ривожланган давлатлардаги миллионлаб нусхаларда чиқадиган газеталарни унутишган чоғи бу "космополитлар"! Бундан кўра, бориб гуруҳнинг курмагини терингизга бўлмасмикин! Чунки бу "ўтар гап"-сиз ҳам юртимизда муаммолар тикилиб ётибди: баъзи жойларда мудом мажбурий меҳнат, электр энергиясига чекловлар давом этмоқда, кўмир қиммат, газ йўқ, порахўрлик ва ҳоказо... Йўқ, уларга тарсаки уришса ҳам "жавоб" қайтмайдиган мавзу — объект керак. Бошни оғритиб ўтиришармиди!

Энди муддаога кўчайлик: "мажбурий обуна" деганда, асосан, шу пайтгача расмий нашрларга (давлат газеталари ҳам дейишади) ёндашувни тушуниб келганмиз. Ҳокимликларда ҳар йили "мажбурий обуна" қилинадиган газета ва журналлар рўйхати шакллантирилиши ҳам рост. Лекин бу рўйхатларга партиялар, тармоқ газеталари, хусусий нашрлар мутлақо яқин йўлатилмаган.

Аслида "давлат газетала-

ри" ҳам мустақилликнинг бошидан шу пайтгача бюджетдан бир тийин олмай, миллий сисъатга, яъни ҳукуматга ҳолис хизмат қилиб, яшаб келмоқда. Уларнинг "ош-нон" юки, мана, йигирма етти йилдирки, халқ елкасида. Хўш, "сайтчи" биродарлар бунга нима дейдилар?! Аввало ушбу муаммонинг ечимини топиш, "журналистлар бирдамлиги" таяниб, улар учун ижтимоий ҳимояланган чинакам демократик муҳитни яратиш зарур эмасми?! Чунки кўплаб хусусий нашрлар (ривожланиб кетган бир-иккитасидан ташқари) 1000-3000 адам билан зўрға рўзгор тебратмоқдалар. (Мустақилликнинг дастлабки йилларида қанча-қанча журналистлар ишсиз қолганини унутмайлик! Ҳозир эса вилоят ва туманлардаги нашрлар журналист кадрларга муҳтож. Чунки у ерларда ишловчиларнинг ойлик маошлари жуда оз миқдорда.) Энди шуни ҳам кўп кўринг, ҳурматли "демократ ҳамкасблар"! Ахир алоҳида соҳалар ходимларининг иш ҳақлари муҳтарам Юртбошимиз томонидан неча баробар оширилди. Илло шундай бўлиши ҳам керак, биз уларга ҳавас қиламиз ҳолос!

Хўш, муаммонинг ечими қерда?! Бизнингча, аввало мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча нашрлар учун соғлом ижодий муҳит, ўзларини тарғиб-ташвиқ қилишларига кенг шароит яратилиши керак. Расмий нашрлар давлат бюджетидан таъминланиб, обуна нархла-

ри арзонлаштирилиши лозим. Шунда якка тартибдаги обуначилар кўпайиб, газеталар хонадонларга ҳам етиб боради.

Бу тажрибани партиялар нашрлари ҳам ўйлаб кўрсалар бўлади.

Хусусий ёки жамоат ташкилоти шаклидаги, айниқса, маърифат улашувчи нашрлар ҳам давлат ҳимоясига олиниши керак. Кўпчилик билан маслаҳатлашиб, бунинг механизмни ишлаб чиқса бўлади. Балки бирон фонд, унда нуфузли комиссия тузилиб, йил охирида ночор қолган жиддий нашрларга ёрдамлар уюштириш мумкин. Ёки фақат хусусий, айниқса, маънавий-маърифий нашрларга обуна қилиш билан шугулланувчи ташкилот тузилар. Албатта, буларнинг бари вақтинча, ҳозирги "обунавий кризис"дан ўтиб олиш учун. Шароит, муҳит яратилиб, нашрлар замонага мослашиб олгач, ҳаммаси ўз ўзанига тушади, иншооллоҳ!

Бугун, рост гап, журналистлар, газета ва журналлар ёрдамга муҳтож! Барча таҳририятлар нима қилишларини, эртага қандай аҳволга тушишларини билмай, ночор қолишган. Гўё соҳанинг эгаси йўқдек. Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар, ислохотлар бу муаммонинг ҳам ечими топилишига умид уйғотади.

"Сайтчи" биродарлар! Сал нафас ростлаб туринг, энди!

Наби ЖАЛОЛИДИН,
35 йиллик иш стажига
эга журналист



МФЙ РАИСИ

ҲОКИМИЯТНИНГ ДАСТЁРИМИ?

Ёки туман ҳокими ўринбосарининг санамай саккиз дегани ҳақида

Воқелик шундай:

Ўзбекистон тумани "Товуш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элаш қишлоғида (қишлоқ шу МФЙ таркибига кирди) ҳашар йўли билан қурилган бино-иншоотларни (маҳалла гузаридоғи оқсоқол хизмат хонаси, чойхона, сартарошхона) МФЙ балансига бириктириб беришни сўраб ҳокимга мурожаат қилди. Туман ҳокими ўринбосари М.Мансуровнинг мурожаатга йўллаган жавобини қаранг: "...Товуш МФЙ ўзини-ўзи бошқариш органи бўлиб, улар тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас ва баланс тушунчаси қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Туман ҳокимлиги МФЙларнинг юқори органи ҳисобланганлиги боис мурожаатда кўрсатилган объектларни туман ҳокимлиги балансига олиш ва кейинчалик тadbirkorлик субъектларига бириктириб (бериш) мақсадга мувофиқлигини билдира-миз. Туман ҳокими ўринбосари (имзо). 2018 й. 4 октябрь. №05-36/343".

Шу бир парчагина жавоб хатида нималар акс этмаган дейсиз? Ҳуқуқий саводсизлик дейсизми, санамай саккиз дейишми, тайёрга ошга баковуллик эҳтимолию маъмурий буйруқбозликнинг яна бир ифодасими — ҳамма-ҳаммаси бор! Янаям чуқурроқ кетилса, жавобдан маҳалла фуқаролари йиғини раисларининг бугунги чин аҳволини ҳам илғаш мумкин.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тижорат ташкилоти эмас. Бироқ бу дегани "Олма пиш, оғзимга туш" деб ўтиравер, сен хайр-саҳоват эвазигагина кун кўришинг керак, деган маънони англатмайди. Қўлдан берганга қуш тўйганми?!

Хўп, қонун нима дейди?

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга кўра, бундай тузилмаларда "...ўз маблагларини шакллантириш, фуқаролар йиғини мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш" ҳуқуқи бор (11-модда). Мол-мулкка эгаллик ҳуқуқи улар (мол-мулклар) юридик шахс балансида акс этиши билан юзага келади. Акс ҳолда фуқаролар йиғинларига бунақа ҳуқуқнинг кераги йўқ эди. Шунинг ўзи ҳоким ўринбосарининг фуқаролар йиғинларида "баланс тушунчаси қонунда назарда тутилмаган" деган даввоси қип-қизил ёлғон эканини тасдиқлайди.

Шунингдек, "...туман ҳокимлиги МФЙларнинг юқори органи" дейилиши-ку, сафсатанинг ўзи!.. Мана қонун, ўқинг: "...Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига" кирмайди (8-модда). Эҳтимол, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти "Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича тегишли кенгашлар" томонидан мувофиқлаштириб борилиши, уларга (кенгашларга) вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари жамоатчилик асосида раислик қилиши (20-модда) маҳаллий ҳокимиятга МФЙлар устидан "хўжайинлик қилиш" ҳуқуқини бераётгандай туюлар? Аслида ундай эмас. Бунда ҳокимларга жамоат ташкилотига жамоатчилик асосида раҳбарлик қилиш масъуляти юклатилмоқда, холос. Зотан, давлат органлари, хусусан, маҳаллий ҳокимият "...фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит" яратиб, "қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда" уларга кўмаклашиши керак (7-модда). Бундай "кўмак" одамлар ҳашар йўли

билан тиклаган бино-иншоотларни аввалига ўзига олиб, кейин гўёки тadbirkorлик субъектларига бириктириб бериш билан кўрсатилмайди-да.

Бунақаси туман ҳокимияти мутасаддисининг "ўз мақсадида" мувофиқ келар балки, илло умумжамоат манфаатига хизмат қилмайди. Мазлумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асослари маҳаллий бюджетлар маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларидан ташқари "ўз маблағлари ва ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан" ташкил топади (27-модда). Ўша маблағлар жамоатчиликнинг фаол ҳаракатию харажати билан қурилган юқоридаги каби бино-иншоотларни ўз балансида олиб, уларни юридик ва жисмоний шахсларга вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш ёки ижарага бериш (26-модда) орқали топилмаса, осмондан тушмайди-ку, ахир?! Туман ҳокими ўринбосарининг шугинага фаросати етмаса, курсини нега банд қилиб ўтирибди?

Хўп, айна масалада МФЙ раиси ҳокимиятни судга бериши мумкинми? Мумкин бўлганда қандоқ. Бироқ, бундан тасаввур қилиб бўлмайди ҳатто. Нега? Маҳалла раисининг ҳокимиятни судга бериши шаккоклик билан баробардай гўё. Маҳаллий давлат ҳокимияти амалдорининг саводи ва тасаввурини кўриб турибсиз: "туман ҳокимлиги МФЙларнинг юқори органи", "(МФЙларда) баланс тушунчаси (бўлиши) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган" эмиш...

Шунақа тасаввурлар боис аксарият ҳокимлар маҳалла фуқаролар йиғини раисларини беминнат дастёрга айлан-тириб олишган: нима деса, шунини қилиши керак. Чизган чизғидан чиқиб кўрсин-чи!

Умуман, маҳалла фуқаролари йиғин раисларининг кўрган қуни курсин! Ҳамма

нарсига балоғардон ўшалар: оилавий қўйди-чиқди, қўни-қўшнилари тотувлик, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига масъуллик, мазлумларга кўмак, фажрийларга эътибор, ҳудудни ободонлаштириш... Қай бирини айтилайлик?! Камига коммунал тўловлар орқасидан югурган ҳам, кўмир-газ (баллон) тақсимотию бугдоғи вақтида суғорилмагани учун ариқча туширилиб, муздек сувга бўктирилган ҳам маҳалла раиси... Яна давом этсак, ҳаммаҳалласининг Россияда мардикорлик қилаётгани, Туркия ёки Дубайда танини сотаётганига ҳам улар сабабчилик гўё: "Маҳалла қарерга қараяпти?"

Оладиган бир сиқим маошига бир дунё гурбат ортиб қўйилган бунақа уволи йўқ раҳбар қайси тизимда бор?! Оғиз тўлдириб мактабини-мизни айтинг: биздаги маҳалладек ноёб тузилма унча-мунча халқларда йўқ!

Асрлар давомида шаклланиб келган мазкур институтни янада такомиллаштириш учун озмунча чора кўрилмади, бироқ самара-чи? Мақтангудек эмас, албатта. Нега?

Мана, сабаби ойдинлашмоқда: маҳалла раисининг жиловли маҳаллий ҳокимият қўлида экан, самарадан умид қилиш қийин. Қонунга кўра, маҳалла оқсоқоли яширин овоз бериш йўли билан сайланса-да, пировардида ҳокимият тасдиқлаган номзод "ғалаба қозонса" (шунинг натижасида номуносиблар ҳам раислик "мартабаси"га етишмаяптими?), "йўригига юрмаган" раисни шартта алмаштириш ҳоким учун муаммо бўлмаса, МФЙларга кўмак бериш ўрнига борини олиб, бирор-та савдогарга бериш пайига тушилаверса, хизмат вазифаларига кирмайдиган юмушларга кўмиб ташланаверса, ташланаверса... самара ҳақида гап бўлиши мумкинми ўзи?

Турсунали АКБАРОВ

“Хўп, айна масалада МФЙ раиси ҳокимиятни судга бериши мумкинми? Мумкин бўлганда қандоқ. Бироқ, бундан тасаввур қилиб бўлмайди ҳатто. Нега? Маҳалла раисининг ҳокимиятни судга бериши шаккоклик билан баробардай гўё. Маҳаллий давлат ҳокимияти амалдорининг саводи ва тасаввурини кўриб турибсиз: "туман ҳокимлиги МФЙларнинг юқори органи", "(МФЙларда) баланс тушунчаси (бўлиши) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган" эмиш...”



НЕВРОЛОГИЯ:

МИЯ ВА МУВАФФАҚИЯТ – ЯХЛИТ ЖАМОА

Хар бир ҳаракат қувватта асосланади. Жумладан, ўй-хаёлда ҳам қувват бўлади. Агар биз салбий хаёлни ўйласак, миёда ҳам салбий қувват ҳосил бўлади ёки аксинча. Биз ана шунга кўра атрофимиздаги муҳитни яратамиз, одамларни тўплаймиз. Сиз бир хил тоифа одамларнинг, мисол учун ўғри, гийбатчиларнинг қандай қилиб топишиб қолишгани ёки кучли ва яхши одамларнинг қандай қилиб бир жамоа бўлишлари тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Уларни бир-бирларига етаклаб келган омил ҳам улардан тарқалаётган қувват.

Неврология фанида аниқланган сўнгги натижаларга кўра, инсон миёси ҳақиқат ва хаёлни фарқлай олмас экан. Инсон ўйлаган нарсага миё ишонади. Мисол учун, биз бир мисолни кўп такрорлаймиз: боши оғриб турган инсонга бирор бошқа дорини бош оғригини қолдирадиган дори деб берилса, у тузалиб қолади. Бойси, миё бунга ишонади. Ёки кимдир сизга тиши оғриб турганини гапирса, ва бу хабар сизнинг миёнгизга таъсир қилса, сизнинг ҳам тишларингизда оғриқ уйғонади.

Муваффақиятнинг сири инсон ўй-хаёлларининг таркибига, яъни аниқлиги, такрорланиш даври, жўшқинлигига тўлиқ боғлиқ экан. Агар сиз ҳаётда ўзингиз кўзлаган натижаларга эриша олмаётган бўлсангиз, унда ўйлаш усулингизни ўзгартириш вақти келибди.

Эҳтимол, сиздаги ишонч пасайган, одатлар эскирган, фелъ-атвор ўзгаргандир? Одатда эскича фикрлаш қолиплари бизнинг тақдиримизни жиловлаб туради. Бундай вазиятда фикрлаш тарзини ўзгартириш зарур.

Сизнинг миёнгиз — барча воқелик билан уйғун ишлайдиган яхлит тизим. Бироқ, агар сизнинг қарашларингиз мавҳум, мақсадингиз ноаниқ ҳамда ўй-хаёлингиз хато бўлса, сиз бу тизимнинг фаолиятини янада

қийинлаштирасиз, натижада салоҳиятингиз тўлиқ юзага чиқмайди. Натижада, сиздаги билим ва ҳаракат ҳам аҳамиятини йўқотади. Буни рамзий маънода кўйидагича ифодалаш мумкин: сизда сейфнинг рақамлари бор, фақат уларнинг кетма-кетлигидан беҳабарсиз.

Неврология фани инсон танаси ва муваффақият ўртасидаги алоқани тан олади. Кўйида эса орзуларга етишиш учун сизга ёрдам берадиган уч тавсияни бермоқчиман.

1. Ким бўлишингиз ва қандай яшашни хоҳлашингиз ҳақидаги аниқ-тиниқ ва дўнда қарашларни жам қилинг.

Орзуни амалга оширишнинг биринчи шарт — ўзингиз хоҳлаётган натижани равшан кўра олишдир. Хўш, нимани хоҳлаяпсиз? Бир фурсат шошманг ва идеалингиздаги келажакни кўз олингизга келтиринг. Юксак орзуни ҳақиқатга айлантириш юзасидан ташлаш керак бўлган қадимларни чамаланг ва белгилаб олинг. Ўзингизни ўша — орзудаги турмуш тарзида тасаввур қилинг. Фақат бу ерда қолиб кетманг.

Тасаввурда ўзингиз хоҳлаётган ҳаёт суратини яратинг ҳамда сиз истаётган натижани олиш учун ўй-хаёлларингизни шунга мувофиқ дастурланг.

Унутманг, бу бошқичнинг самараси орзу-мақсаднинг аниқлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, муваффақият сари қадам ташлаётганингизда мақсаднинг ҳар бир кичик деталини ҳам кўздан қочирманг ва режалар тузаётганда буни инобатда олинг.

Яна бир муҳим тавсия — режалар иш бермаса, мақсадни эмас, режаларни ўзгартиришга одатланг.

2. Орзу сари қадам-бақадам олиб борадиган чора-тадбирларни тузинг.

Айтишларича, орзулари осмон

одамлар аслида бу дунёнинг халоскорлари эканлар. Бойси, дунё қалби ҳам, одамзод қалби ҳам гўзал ўй-хаёллар билан озиқланиди ва шунинг учун уларни қўллаб-қувватлайди.

Сиз хоҳлаётган орзу — мисоли чўққи. У ерга чиқиш учун аввал бунинг қондасини ўрганиш зарур. Демак, ўрганинг, у ерга олиб борадиган кетма-кет чораталбирларни ишлаб чиқинг. Ҳар кунги амалий бирор ҳаракатингиз сиз ва бу манзил ўртасидаги масофани ҳеч бўлмаганда бир қадамга қисқартирсин. Бу чўққи мисоли сизни олисдан чорлаб турган маёқ бўлсин.

Модомики ёрқин келажакни "забт этиш" истагида экансиз, йўл-йўлакай амалга ошириш зарур кичик мақсад-вазифалар ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлинг. Денгиз ҳам майда томчилардан ҳосил бўлган.

Олдингизга мақсад қўйиб, у томон бир қадам ташлар экансиз, натижасини билмасангиз ҳам, сизнинг танингизда фойдали кимёвий моддалар ажралиб чиқди. Жумладан, миёнгизда роҳатланиш ва завқланиш учун жавобгар нейромедиатор бўлмиш дофамин моддаси ажралиб чиқди. Бу модда миёдаги илҳомланиш жараёнини ишга тушириб юборди, шунда миёда тушқунлик ва мавҳумлик чекиниб, онда "Ҳа! Мен буни ундалайман! Бу менинг қўлимдан келади!" деган илҳомбахш, ижобий қувват ҳосил бўлади.

Миёнгиздаги мотивацион занжир ҳаракатланишни бошласа, сиз мақсадга етиш учун ўзингизни янада тетик сезасиз. Бу ҳолат бевосита миёдаги асаб тўқималари (нейронлар)нинг бир-бири билан фаол алоқага киришиши билан боғлиқ.

Агар сиз ўзингиздаги бу ҳолатни ким биландир ўртоқлашсангиз, нима содир бўлишни биласизми? Миёда бошқа бир модда (миёда юзлаб моддалар мавжуд экан) ажралиб чиқди. Окситошун номли модда инсонга

ўз-ўзини англаш ва таҳлил қилишига, раҳм-шафқат ва меҳр-муҳаббатли бўлиш ҳисларини мустаҳкамлашига хизмат қилади. Натижада миёдаги жаҳд ва тушқунлик нейронлари жойлашган ҳудуд фаолияти сустлашади, миёнинг таҳлил қилиш кўникмаси кучаяди.

3. Онг сиз нима учун юксак мақсадингизга албатта эришмо-рингиз зарурлигини ҳис қилсин.

Мақсадга ета олмаслик ёки мақсад сари жиддий қадамнинг ташланмаслиги "нима учун"нинг етишмаслигидан. Токи, онг сиз бу мақсадга албатта етишингиз кераклигини тан олмас экан, сиз нимани хоҳлаётганингиз ва у томон сизни олиб борадиган йўлни аниқ кўра олмайсиз.

Мақсадни нега амалга оширишни хоҳлашингизни аниқлаш-тиринг. Бу жараёнда сизнинг мақсадларингиз бошқа одамлар ҳаётини ҳам қанчалик ўзгартири-ши жуда муҳим.

Ўзингиздан эҳтиёжларингиз ва орзуларингиз ортидаги "ўзингиз" нимаси билан сиздан устунлиги, орзулардаги ҳаётда яшашни нега хоҳлашингизни қайта-қайта сўранг.

Мақсад иқтисодий эркинлик, фаровон яшаш, мустакил иш-лаш, бошқаларга ёрдам бериш ёки Ўзбекистонни ривожланти-риш учун ҳисса қўшиш бўлиши мумкин. Мақсадингизни, сабабларни ҳоҳозга туширинг. Уларни тез-тез ўқинг. Бу жараён-да миёда асаб тизими бўйлаб тарқалувчи сигналлар фаолияти учун зарур нейротрансмиттер моддаси ишлаб чиқарилади. Бу модда инсон танасидаги илҳом-бахш, яъни мотивация берувчи жараёнга масъул.

Ва, кичик ютуқларни нишон-лашни унутманг. Бу миёда дофамин ишлаб чиқарилишини янада оширади.

Муваффақиятнинг неврологик асосини билиш учун миёдан ўз мақсадимиз йўлида фойдаланиш-ни чуқур ўрганишимиз керак. Ҳаётда бирор давосиз касаллик-дан устун келиш ҳам, муваффа-қият қозониш ҳам аслида миёда содир бўлади ва кейин ҳаётимиз-га таъсир қилади.

Талқикотларга кўра, доим кайфияти чоғ ва ҳаётдан хурсанд инсонларга салбий хабарлар ҳам таъсир ўтказа олмайди. Уларнинг қондаги серотин (бахт гармони) даражаси доим юқори экан.

Яна бир ҳолат доимо менинг диққат-этиборимни тортади. Этьикоиди юқори инсонлар ҳам бирор ишга қўл урсалар, доимо муваффақият қозонадилар. Ишонч ва этьикод — мисоли оға ва иншир. Этьикод ва ибодат-нинг ҳам инсон руҳияти, саломатлигига ижобий таъсир қилиши илмда ибобтини топган.

Халқ орасида "ихлос — халос" деган тушуна мавжуд. Бу нақл ҳам бежизга айтилмаган. Зеро, ишончнинг мўъжиза яратиши рост.

Хулоса шундай:
Сиз муваффақиятлисиз — сабаби сиз бахтиёрсиз!
Сиз бахтиёрсиз — сабаби сиз муваффақиятлисиз!

ШУҲРАТ САТТОРОВ

“Тадқиқотларга кўра, доим кай-фияти чоғ ва ҳаётдан хур-санд инсонларга салбий хабарлар ҳам таъсир ўтка-за олмайди. Уларнинг қони-даги серотин (бахт гармони) даражаси доим юқори экан.”

Шаҳноза ИБРАГИМОВА: IMLOMANBAI.UZ БАРЧА УЧУН ФОЙДАЛИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети таълим кредит тизимини бошқариш бўлими мутахассиси Шаҳноза Ибрагимова "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида ТАТУ номидан иштирок этиб, шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритди. Бу ютуққа у ўзбек тилининг лотин ёзувидаги изоҳли ва имло лугатини ўз ичига олган IMLOMANBAI.UZ сайти туфайли эришди. Биз Шаҳноза билан суҳбатлашиш учун тахририятга таклиф этдик.



“
Хозирги кунда
IMLOMANBAI.UZ
сайтига сўз ки-
ритиш ҳамда
Yetakchi.uz,
Zulfiyaxonim
izdoshlari.uz
сайтлари устида
ишлаяпман.”

— Шаҳноза, аввало эришган муваффақиятингиз билан табриклаймиз. Айтинг-чи, ушбу сайтни яратишда сизга нима туртки бўлди?

— “Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонун ҳамда махсус тасдиқланган “Харакатлар режаси” ижросини таъминлаш борасида жадал ишлар олиб борилаётган ҳозирги пайтда ўзбек тилидаги реклама матнлари ва лавҳалари лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига ўтирилаётгани, кирилл ёзувидаги ўзбек ва жаҳон адабиётининг мумтоз намуналари ва илмий адабиётларнинг лотин ёзувида чоп этилиши, 2020 йилнинг охирига қадар босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида тўлиқ фаолият юритиши ва шу масалага тегишли қонунчилик талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларнинг

ишлаб чиқилаётгани IMLOMANBAI.UZ электрон имло ва изоҳли онлайн дастурини яратишга ундади.

— Дастурни яратишда нималарни мақсад қилган эдингиз?

— Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда юзага келаётган муаммолардан бири лотин алифбосидаги ёзувларда учраётган камчиликлар ҳисобланади. Реклама, баннер ва турли идора, корхона ва муассасаларнинг дўконларнинг пешлавларида қўпол имло хатолари мавжуд. IMLOMANBAI.UZ электрон имло ва изоҳли онлайн дастурида ўзбек тилидаги сўзларнинг лотин алифбосидаги имло ва изоҳлари жамланган бўлиб, дастур интерфейси оддий, барча фойдаланувчилар учун қулай қилиб яратилган. Дастур лотин алифбосига асосланган ўзбек тилида юзага келаётган камчиликларни бартараф этиш, ўзбек тилининг мавқеини ошириш, шеърий ихлосмандла-

ри учун назм оламидаги ишончли ёрдамчидир. Мақсадим, мана шу қулайликларга эришиш эди, аслида.

— Дастур зиммасига қандай вазифаларни юклагансиз?

— Ушбу дастур орқали куйидаги ишларни бажариш мумкин: маълумотлар базасига янги сўзларни киритиш, маълумотлар базасидан сўзларни қидириш, фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, қофиядош сўзларни топиш. Дастур ихтиёрий амалий тизимда ишлаш имкониятига эга бўлиб, унинг интерфейси мобил телефонлар ва шахсий компьютерлар учун мўлжаллаб яратилган. IMLOMANBAI.UZнинг мобил иловаси ҳам бор.

— Суҳбатингиз давомида шеърийат ҳақида ҳам гапириб ўтдингиз. Эшитишимизча, шеърий китобларингиз ҳам чиққан экан. Шеърийатдай сеҳрли олам киши қандай қилиб ахборот технологияларига қизиқиб қолдингиз?

— Дарҳақиқат, шеър ёзиш жону дилим. Ватанга, онага, қадрдонларга аталган самимий, беғубор дил изҳорларини инсон шеър орқалигина мукамал тасвирлаши мумкин. Ҳали мактабда ўқиб юрган пайтимданоқ туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган талбирларда мунтазам қатнаша бошладим. Танловлардаги гоилик мени янада кўпроқ ўқиб-изланишга, ижод қилишга, ўз устимда ишлашга чорлади. Илк шеърий тўпламим “Ёшлик баҳори” номи билан чоп этилди. Иккинчи китобим 2017 йилда нашр этилиб, у “Назм бўстони” деб аталган.

Ахборот технологияларига қизиқишимга келсак, 2012–2015 йиллар мобайнида туризм коллежида таҳсил олиш мобайнида коллеж етакчиси вазифасида ҳам фаолият олиб бордим. Кейинчалик Тошкент ахборот технологиялари университети Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш йўналиши етакчиси сифатида ишлаш бошладим. Фаолиятим давомида университет иқтидорли талабалари билан биргаликда “Шеърийат шайдолари” номи шеърий тўплам чоп этдик. Инсон қайси даврада бўлса,

ўша одамларнинг таъсири, албатта, бўлар экан. Бўлажак алоқачилар ичида юриб, мен ҳам шу соҳани ўргана бошладим ва ахборот технологияларига оид иккита лойиҳада иштирок этдим. Шу кунга қадар 42та диплом, сертификат ва фахрий ёрлиқни қўлга киритганман.

— Сайтни ҳимоялаш масаласи қандай ташкил этилган?

— Ушбу тизимни яратиш жараёнида юқори хавфсизликни тақдим этувчи ASP.NET дастурини ишлатганман. Хавфсизликни кучайтириш мақсадида қўшимча алгоритмлар интеграция қилинган. Маълумотлар базаси билан ишлаш учун SQLдан фойдаланилди. Хостинг ҳимояси жуда кучли ва сайтнинг ўзига ҳам махсус шифр қўйилган.

— Нима деб ўйлайсиз, IMLOMANBAI.UZ омма-лашяптими?

— Сайтимиз ташкил этилганига бир ой муддат бўлмасидан фойдаланувчилар сони 11891 нафарга етди. Унга киритилган изоҳли имло манбаи эса 941тани ташкил этмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ушбу сайт кенг жамоатчилик учун керакли ва фойдали. Сайтимизда сўзларнинг имлоси, изоҳи, қофиядошининг ратация сўзлари ҳам киритилган бўлиб, фойдаланувчига ой давомида янги ўрганилган сўзлари бўйича ҳам ҳисобот бериб туради. Ушбу сайтни яратиш гоёси менда шеър ёзаётган давримда қофиядош сўзлар топишга қийналганим ва сўзларнинг изоҳида камчиликларга йўл қўйганимдан кейин пайдо бўлди. Мен сайтимга қўйилаётган сўзларни қўлда доналаб тераман, сабаби имло хатоларига йўл қўймастик. Ютуқларим ичида энг қувонарлиси мана шу сайтим десам, муболаға бўлмайдими.

Хозирги кунда IMLOMANBAI.UZ сайтига сўз киритиш ҳамда Yetakchi.uz, Zulfiyaxonim izdoshlari.uz сайтлари устида ишлаяпман. Ишонманки, келажакда ушбу меҳнатларим бесапар кетмайди ва сўзларни беҳато ёзишда одамларга зарур қўлланма бўлади.

Муборак МИРКАМОЛОВА
суҳбатлашди



ТАҲЛИЛ

Эски нақл исботланди: ЁЛҒОН ХАБАР ТЕЗ ТАРҚАЙДИ

Twitterда ахборот ботлар орқали 2-10 соғияда тарқашга улгуради. Бу ахборот қабул қилиш қонунари устида тўлақонли тадқиқот ўтказган Индиана университети (АҚШ) олимларининг хулосаси. Тадқиқотдан мақсад нега ёлғон хабарлар ахборот маконини тез қамраб олаётганини ўрганиш эди.

Энг қизиғи, бу нарса АҚШ президенти Доналд Трамп номи билан боғлиқ твитлар мисолида яққол намоён бўлди. Тадқиқотчилар 2016 йил баҳоридан 2017 йил баҳоригача тарқатилган 14 миллионга твитни “элақдан ўтказишди”.

Аниқланишича, ахборотни тарқатиш учун ботларга 10 соғиядан ҳам кам вақт етарли экан. Эътибор беринг, ботлар Twitter аудиториясининг 6 фоизини ҳам ташкил этмайди, ammo улар ахборотнинг учдан бир қисмини яратяпти. Энг муҳими, мана шу



фон ёки ўхшаш хабарлар тўлқини оддий фойдаланувчини айнан шу хабарларни ҳақиқий ва ишончли деб ўйлашга ундайди — инсон табиати шунақа.

Мавзуни янада кенгроқ доирала ўрганган MIT (Массачусетс технологиялар институти) тадқиқотчилари ҳам худди шундай тўхтамга келишди. Улар 2007 йилдан 2017 йилгача 3 миллион нафар фойдаланувчи томонидан 4,5 миллион мартаба тарқатилган турли мавзулардаги 126 мингта хабарни ўрганишди. Шу жараёнда ижтимоий тармоқлар ва инсон табиатининг яна бир хусусияти юзага чиқди: ёлғон хабарлар рост хабарларга қараганда 6 қарра тез тарқалади! Нега дейсизми? Чунки булар қайси мавзуда бўлмасин, янги, “теша тегмаган” хабарлар-да!

Хуш, бу тажрибадан қандай фойдаланиш мумкин — мавҳум. Албатта, бу тадқиқот чет элликларнинг АҚШдаги сайловларга ижтимоий тармоқлар орқали таъсир ўтказганлиги мавзуси билан узвий боғлиқлик нуқтан назаридан ҳам долзарб. Ammo бу қандай юз берган — ягона тўхтам йўқ.

СМАРТФОНЛАР

Samsung Galaxy S10 — бунақаси планшет ва ноутбукларга ҳам йўқ

Samsung компанияси 2019 йилнинг феврал ойида Galaxy S10 флагманини тақдим этади. Шунга қарамасдан, қурилманинг айрим хусусиятлари ҳозирда ноқ оммага маълум бўлиб улгурди. Масалан, қурилмага ўрнатиладиган оператив хотира шунчалик кучли эканки, бу шу пайтгача ишлаб чиқарилган планшетлар ва ноутбукларда ҳам бўлмаган. Бу ҳақда GizmoChina хабар берди.

Galaxy S10га 6,44-дюймли дисплей (1440x2960 пиксел) ўрнатилди. Қурилмада бармоқ изларини идентификацияловчи сканер ултраовулларда ишлайди. Аккумулятори сигими — 4000 мАс.

Аmmo бу смартфоннинг энг асосий жиҳати — 12 гигабайтли оператив хотираси. Ҳали ҳеч бир планшет, ҳатто ноутбукка бунақанги кучли тезкор хотира ўрнатилмаган. Файлларни сақлаш учун эса 1 терабайтлик (!) хотира ўрнатилди.



МЕССЕНЖЕРЛАР

Telegram иккита мессенжердан ортга қолди

Artezio компанияси 20 дан ортиқ мессенжерларни таҳлилдан ўтказди. Уларнинг орасидан хавфсизлик талабига жавоб бера оладиган фақат 8 таси танлаб олинди. Тор рўйхатга Telegram ҳам кирди, бироқ у биринчи ўринда эмас.

Биринчи ўринда — хавфсизлик талабларига энг яхши жавоб берган Signal мессенжери.

Ишонччилик ва хавфсизлик тестини ўтказишда маълумотларни шифрлаш сифати, шахсий маълумотларни очиқлашга шайлик, шахсий маълумотларни ҳимоялаш даражаси каби жиҳатлар эътиборга олинди.

Рейтингда иккинчи ўридан Wickr, Telegram эса учинчи поғонадан жой олди. Хавфсизлик даражаси энг суст мессенжер дея Facebook Messenger қайд этилди — бу тадқиқотлар натижасида келинган хулоса.

БОЗОР

Дунёнинг энг қиммат компанияси ўзгарди


Microsoft компанияси бозор қиймати бўйича Appleни ортга қолдирди ва АҚШнинг энг қиммат компаниясига айланди. Бу ҳақда BusinessToday хабар тарқатди.

Экспертлар Microsoftни 753,3 млрд. долларга, Appleни 746,8 млрд. долларга баҳолашди.


Американинг энг қиммат компаниялари орасида Amazon (736,8 млрд. доллар) учинчи ўринда. Alphabet (Google) эса 725,5 млрд. долларга баҳоланди.

Эслатиб ўтамиз, Apple 2010 йили қимматлиги бўйича Microsoftни ортга қолдирганди. 2018 йилнинг августда эса нархи 1 трлн. доллардан юқори турувчи жаҳондаги илк компанияга айланди.

Appleнинг арзонлашуви iPhone смартфонлари савдоси бароридан келмаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.



Беларусда интернетдаги анонимлик тақиқланди



Беларусда 2018 йилнинг 1 декабридан янги қонун кучга кирди, унга кўра, сайтлардаги янгиликларга муносабат билдиришни истаган фойдаланувчилардан администраторлар уларнинг телефон рақамларини талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақда Tut.by портали ёзмоқда.

— Кимдир шарҳ қолдирмоқчи бўлса, яъни ўз хабарини у ёки бу интернет-ресурсга жойлаштиришни истаса, ўз телефон рақамини бериши керак. Шунда унга махсус код келади, — деди Беларус ахборот вазири Александр Карлюкевич.

Янги тартибга биноан, интернет-ресурслар, ўз хоҳишига қараб, фойдаланувчидан фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, электрон почта манзили, хабарни жойлаш вақти, унинг абонентлик қурилмалари идентификацион маълумотлари (MAC-адрес, ички ва ташқи IP-адреслар)ни сўраб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

5G

Ветнам 5G-алоқа билан тўртинчи саноат инқилобини амалга ошироқчи

Ветнам ахборот вазири Нгуен Ман Хунг мамлакат тез орада 5G-алоқани жорий этишини билдирди. Вазирнинг айтишича, бу нафақат Ветнам, балки жаҳон телекоммуникациялар соҳаси учун ҳам катта сакрашдир. Бу ҳақда Regnum ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Янги тармоқ 4G-стандартга нисбатан маълумотларни 50-100 қарра тез узатади. Мамлакатда чоп этиладиган Tuoi Tre нашрининг



ёзишича, 5Gнинг жорий этилиши Ветнамдаги Тўртинчи саноат инқилобининг ажралмас ва истиқболли қисми саналади.

Viettel компанияси стратегик

директори Нгуен Ву Лиунинг айтишича, 5G-тармоқнинг бир квадрат километр қопламида бир пайтнинг ўзида миллионгагача қурилмани ишлатса бўлади.

Ветнам ҳуқумати 5G-алоқани 2020 йилда ишга туширишни режалаштирган. 2019 йили тармоқ техник синовдан ўтказилади. Мамлакат радиочастоталар бошқармаси ушбу тармоқда техник муаммоларнинг олдини олиш учун унга алоҳида частота ажратди.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Грузияни энди аёл киши бошқаради



Грузияда президентлик сайловларининг 2-тури якунланди. Мамакат Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, иккинчи турда 28 октябр куни ўтказилган биринчи турдаги қараганда фаоллик кузатилган. Сайловчиларнинг умумий сони 3 миллион 528 минг 658 нафарни ташкил қилган.

Иккинчи турда ҳукмрон партия ҳисобланмиш “Грузия орзуси” партиясидан Саломе Зурабишвили ва мухолифатдаги “Ягона миллий ҳаракат” партиясига (бу партияга собиқ президент Михаил Саакашвили асос солган) вакили Григол Вашадзе иштирок этди. Икки номзод ҳам турли йилларда Грузия ТИВ раҳбари сифатида фаолият кўрсатган.

Сайловларнинг 1-турида 25 номзод иштирок этган, бироқ улардан бирортаси овозларнинг ярмидан кўпини тўплай олмади. Энг яхши натижалар Зурабишвили хоним (38,64 фоиз овоз) ва Вашадзе (37,74 фоиз) томонидан қайд этилган. Иккинчи тур якунларига кўра, Саломе Зурабишвили 58 фоиз овоз олган ҳолда устуликка эришди. Вашадзегга 42 фоиз сайловчи овоз берган.

Грузия конституциясига кўра, президент сайланганидан кейинги учинчи яшанбада инаугурация маросими ўтказилади. Бу эса 16 декабрга тўғри келади.

28 ноябр кунги сайловлар Грузияда президент тўғридан-тўғри сайланган охириги сайловлар бўлиб қолади. У олти йил муддатга сайланади. 2017 йили Конституцияга киритилган ўзгаришларга кўра, президент ҳуқуқлари ва ваколатлари кескин қисқартирилган.

ХИТОЙ КОНСУЛЛИГИГА БЎЛГАН ҲУЖУМ ОМИЛЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Покистон полицияси Хитойнинг Карачидаги консулигига қарши амалга оширган ҳужум омиллари ва уларнинг махфий қароргоҳи аниқлангани ҳақида хабар берди. Балукистон музофотининг ички ишлар вазири Хитой консулигига қарши ҳужумнинг раҳбари Аслам Ачху ҳозирги кунда Ҳиндистонда яширинганини эълон қилди. “Покистон виллоятининг масъули Аслам Ачху 2015 йилдан буён қидирилмоқда”, — деб қўшимча қилган у. Шунингдек, амалиёт давомида Покистон хавфсизлик кучлари террорчилар фойдаланган автомобилни аниқлаб, ушбу гуруҳнинг икки нафарини қўлга олишга муваффақ бўлди.



Эслатиб ўтамоғимиз, 23 ноябр куни Карачи шаҳрида жойлашган Хитой консулигига қарши террорчилар амалга оширган ҳужумда ҳар учала жангари ҳалок бўлди. Мамакат хавфсизлик кучларининг муваффақиятли амалиётлари туфайли хитойлик дипломатлар ва консулик биноси ҳеч қандай зарар кўрмади. Покистоннинг “Балуж озодлик армияси” номли гуруҳ ушбу террористик ҳужум масъулиятини ўз зиммасига олди.

ТУРКИЯ ВА ҚАТАР РАҲБАРЛАРИ МУЗОКАРА ЎТКАЗДИ

Истанбулда Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғон ва Қатар амири Тамим ибн Хамад ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Музокараларда Туркия ташқи ишлар вазири Мавлуд Човушўғли ҳам қатнашди.



Ал-Тани Туркияга Туркия-Қатар стратегик ҳамкорлик юқори кўмитаси тўртинчи йиғилишига қатнашиш учун келган эди.

ДЕКАБРДА ВРЕХИТ МАСАЛАСИ ҲАЛ БЎЛАДИ

Британия парламентининг аъзолари 11 декабр куни Европа Иттифоқи билан Brexit шартномаси лойиҳасини овозга қўядилар. Расмийларнинг айтишича, Бош вазир Тереза Мей норозилар сони кўпчилиكنи ташкил қилаётганига қарамасдан битимни қайта кўриб чиқиши мумкин. Ушбу қарор Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиши масаласига ойдинлик киритади.



Агар Британия ҳукумати май ойида ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган режани бекор қилса, у ҳолда ЕИнинг “Келишув битими тўғрисида”ги қонун лойиҳаси парламентга киритилади. Евроиттифоқ кенгаши розилигини олишдан ва Европа парламенти овоз беришга киришишидан олдин, ушбу ҳужжат ЕИ аъзолари томонидан тасдиқланиши керак.

ГЕРМАНИЯ РОССИЯ ВА УКРАИНАНИ БОСИҚЛИККА ЧАҚИРДИ

Германия мудофаа вазири Урсула фон дер Лисен парламентнинг хавфсизлик бўйича йиғилишида Россия ва Украинани Азов денгизидан пайдо бўлган кескинликдан сўнг имкон борича тинчликни сақлашга чақирди. Шунингдек, у Россиядан Азов денгизиданги бўғозларда навигация ўтказишга рухсат беришни талаб қилди. Москвани

қўлга олган Украина аскарлари ва кемаларини озод қилишга чақирди. Олдинроқ Германия ташқи ишлари вазири Хайко Маас Германия, Франция, Россия ва Украина иштирокида тўрт томонлама Москва ва Киев орасидаги кескинликни юмшатиш масаласида музокара ўтказишни таклиф қилганди.

Яшанба куни Москва Азов денгизидан Киевнинг учта кемасига ўқ узиб, ушлаб қолганидан кейин Россия ва Украина бир-бирига турли айблар қўйиб келмоқда. Москва Украина кемаларининг ўз ҳудудига ноқонуний кирганини илдоо қилса, Киев Россияни ҳарбий босқинчилик қилишида айблаётти.

UNICEF: АФҒОН БОЛАЛАРИ АҲВОЛИ ЖУДА АЯНЧЛИ

БМТнинг болалар бўйича ташкилоти UNICEF берган маълумотга кўра, бу йилги қурғоқчилик натижасида афғонистонликларнинг 6 миллион нафари гуманитар ёрдамга муҳтож ҳолга келган. Уларнинг ярмини болалар ташкил қилади. “Узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган уруш болаларда жудаям даҳшатли из қолдирган. Бу йилги қаттиқ қурғоқчилик билан бу янаям жиддий тус олди”, — деди UNICEFнинг Афғонистондаги алоқалар бўйича ходими Аллисон Паркер Женевадаги матбуот анжуманида. Унинг сўзларига кўра, хавфсизлик таъминланмагани ва озиқ-овқат етишмаслиги уч миллион болани мактабга бориш имкониятидан маҳрум қилган. “Болаларга нисбатан аҳвол жуда аянчли. Эҳтиёжлари эса катта. 2018 йилнинг дастлабки чорагида 5 минг бола ўлдирилган ва жароҳатланган. Бу ўтган йилда қурбон бўлган барча афғон болалари сонига тенг”, — қўшимча қилган Паркер.



ФРАНЦИЯДА НАМОЙИШЛАР ИҚТИСОДИЙ ЗАРАР КЕЛТИРМОҚДА

Франция иқтисодиёт вазири Бруно Лемерр пойтахт Парижда ўзи ташкил қилган матбуот анжуманида ўн кундан буён кетма-кет давом этаётган намоийшлар мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. “Намоийшлар сабаб 17 ноябрда (намоийшлар бошланган кун) корпоратив савдолардан кўрилган зарар 39 фоизга етган, ўтган шанба куни эса 24 фоизни ташкил қилган. Намоийшлар бошланганидан бери гўшт дўконлари, новвойхоналар ва сартарошхоналар 60-70 фоизга зарар кўрган”, — деди у. Лемерр ҳукумат зарар яна ҳам кўпаймаслигининг олдини олиш учун керакли чораларни кўришни айтган.



Эслатиб ўтамоғимиз, Францияда 17 ноябрдан буён президент Эммануэл Макрон сиёсати ва ёнилги нархининг ўсишига қарши намоийшлар бўлиб ўтмоқда.

Саҳифани У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади



Умар САЙФИДДИН

Турк ҳикоячилигининг мумтоз вакили, журналист ва зобит Умар Сайфиддин 1884 йили Туркиянинг Беликесир шаҳрида дунёга келди. Аввал Усмоғия мактабда, сўнгра ҳарбий билим юртларида ўқиган Умарнинг илк ижод маҳсули 1900 йили "Маъмуи адабия" да чоп этилди.

Умар Сайфиддин ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаркан, ижодни ҳам тарк этмади. 1912 йилда Болқон урушида қатнашди ва Яния яқинида юнон армиясига асирга тушди. "Пасткаш", "Маҳдий", "Хуррият байроқлари" номли ҳикояларида асирликдаги ҳаётини қаламга олади. Бир йиллик асирликдан сўнг, 1913 йили Истанбулга қайтди ва "Турк сўзи" журнаliga муҳаррирлик қила бошлади.

Унинг "Тарих азалий тақрорид", "Ҳарам", "Эфруз Бей", "Қаҳрамонлар", "Бомба", "Узун пошналар", "Ҳалоллик", "Ёлғиз баҳодир", "Исканжа", "Ишқ тўлиқни", "Оқ лола", "Сирли амалиёт", "Форса", "Бадал", "Пушти дурли ёқа" каби асарлари машҳур.

1914 йилдан Кабаташ мактабда адабиётдан дарс беришни бошлаган Умар Сайфиддин 1920 йили 36 ёшида қанд касалидан вафот этди.

Оғил ёнида уйнаганимизда, пастда, кумушранг толнинг тагида кўринмай оқаётган сойнинг маҳзун шилдирашини эшитиб турардик. Уйимиз ички ҳовлининг улкан каштан дарахлари ортида кўринмай кетарди. Онам Истамбулга кетгани учун мендан бир ёш кичик укам Ҳасан билан иккимиз Дадаруҳнинг ёнидан кетмас эдик. Дадаруҳ дадамнинг отбоқари, қари киши эди. Отларни яхши кўганимиз учун саҳарда уйғонишимиз биланоқ оғилга чопардик. Дадаруҳнинг ёнида бўлиб, отларни сугориб келиш, уларни миниш завқ бағишларди. Ҳасан бўлса кўрқар, ёлғиз минолмасди. Дадаруҳ отга миниб, уни олдига ўтказиб оларди. Халталарга арпа солиш, ем тўрваларни ўтга тўлдириш, оғилни тозалаш, гўнг ташиш — энг қизиқ уйиндан ҳам ортиқ, бизнинг жону дилимиз эди. Отларни қашлашни айтмай-сизми? Энг завқлиси шу эди! Дадаруҳ кўлига қашлагични олиб, соат товушидай қитирлата бошлаши билан, тамом, жойимда туролмас, "Мен ҳам қашлай" деб ҳоли-жонига кўймасдим. Шунда Дадаруҳ мени Тўсин турулмаи бевозта бўларди.

Бу темир асбобни йилкининг терисига қиртишлаган бўлардим, бироқ ўшандай қитирлаган товуш-ни маромига етказиб чиқаролмасдим.

- Куйруғини ликиллатаяптими?
- Ҳа ликиллатаяпти.
- Қани бир кўрай...

Бўй чўзиб қарасам ҳам отнинг сағрисида думи кўринмасди. Ҳар куни эрталаб оғилга келишим билан "Дадаруҳ, мен қашлай", деб ялинардим.

- Йўқ, удалай олмайсан.
- Нима учун?
- Ҳали ёшсан, шунинг учун!
- Эплай оламан.
- Катта бўлгин, кейин...
- Э, қачон!
- Бўйинг отга етганида!

Оғил юмушларидан фақат отни қашлашни эплотмасдим. Бўйим отнинг қорнига ҳам етмасди-да! Ҳолбуки, энг завқли, энг зўр нарсачи эди.

Қашлагичдан чиқаётган қитирлаган товуш Тўсинга ёқаётгандай қўлоқларини қимирлатар, думини шокиладай ликиллатарди. Қашлашни тугатай деб қолганда эса гўё, жаҳли чиқар, ўшандай пайта Дадаруҳ "хўйт" деб сағрисида сенил тарсаки туширарди ва бошқа отни қашлай бошларди.

Бир куни уйда ёлғиз қолдим. Ҳасан билан Дадаруҳ сой ёқасига тушиб

кетишган. Отни қашлаш истаги ҳеч тинчлик бермасди менга. Қашлагични қидириб тополмадим. Оғил бурчагида Дадаруҳнинг дарчасиз кулбаси бўларди. Кулбага кириб тоқчани титкилай бошладим. Эгарларнинг орасини ҳам қара-

ҚАШЛАҒИЧ

дим. Йўқ. Ҳеч қаерда йўқ. Ётоғининг тагида яшил тахтали сандиқ турган экан. Уни ҳам очдим. Ниҳоят... Севинчдан ҳайқираёздим. Онамнинг бир ҳафта бурун Истанбулдан юборган совғалари орасида фақон қашлагичи ял-ял ёниб турарди. Қашлагични олдим Тўсиннинг ёнига югурдим ва қорнига ишқай бошладим. Тўсин негадир тоқатсизлана бошлади. "Оғрипти чоғи" деб уйладим.

Кумушдай товланаётган бу чиройли қашлагичнинг тишларига узоқ тикилдим. Кўринишдан жуда ўткир. Тишларини бироз ўтмас қилиш мақсадида девор тошига ишқалай бошладим. Тишлари ўтмас бўлиб қолганидан сўнг қашлагични яна синаб кўрмоқчи бўлдим. Барибир, отлар тинч турулмаи бевозта бўларди. Тутуқиб кетдим. Аламимни қашлагичдан олмоқчи бўлиб, нарироқдаги булоқ оғизга югурдим. Қашлагични ялоқ тошга кўйдиму ердан тош олиб, ура бошладим. Истанбулдан юборилган, афтидан, Дадаруҳ ишлатишга кўзи қиймай, асраб юрган бу чиройли қашлагични эзиб, ялоқнинг ичига ташлаб юбордим.

Эрталаблари отам ташқарига чиққанида оғилга кириб у ер-бу ерни кўздан кечирарди. Мен оғилда ёлғиз эдим. Ҳасан эса уйда, хизматчимизнинг ёнида эди. Отам булоқни томоша қилаётиб ялоқ ичидаги синган қашлагични кўриб қолди ва Дадаруҳга қараб бақирди.

— Буюққа кел!
Нафасим тиқилиб, кўрқиб кетдим.

Отам синган қашлагични илкига тутиб, буни ким қилди, дея Дадаруҳдан сўради. Дадаруҳ таажубланиб:

- Билмадим, — деб жавоб қилди.

Отамнинг кўзи менга тушиши билан, ҳали сўраб улгурмаган ҳам эди мен:

- Ҳасан, — дедим.
- Ҳасанми?
- Ҳа, кеча Дадаруҳ ухлаётганда хонасига кириб, сандигидан қашлагични олди-да, ялоқнинг тошида эди.

— Нега Дадаруҳни чақирмадинг?

Умар САЙФИДДИН

— Ухлаётган эди.
— Қани, Ҳасанни чақир!

Ички ҳовлининг эшигидан кириб, ихчам йўлқадан уй томон чопдим, Ҳасанни чақирдим.

Доктор укамни текшириб, юқумли касалга чалинганини айтди. Буни эшитган фермадаги хотинлар уйимизга келиб, бир нечта парранданинг бошини олиб, укамнинг бўйнига боғлаб

кўйишди. Айтишлари-ча, бундай эскича иримни қилса, тузалиб кетармиш.

Дадам укамнинг ёнидан сира кетолмади. Дадаруҳ ҳам гамгин бўлиб қолди.

Парвин эса хўнг-хўнг йиғлагани-йиғлаган.

- Нега йиғлаяпсиз? — деб сўрадим.

- Укам қасал-ку...
- Тузалиб кетади.
- Тузалмайди.
- Тузалмаса нима бўлади?

- Укамг ўлади.
- Ўладими?

Мен ҳам йиғлай бошладим. Укам касал бўлганидан бери мени Парвиннинг хонасига кўчиришди. Ўша кеча ҳеч ухломмай чиқдим. Халға чўмишим билан Ҳасан кўз ўнгимда "Тухматчи! Тухматчи!" дея йиғлаётгандай бўлаверарди.

Парвинни уйғотдим.

- Ҳасаннинг ёнига бораман, — дедим.
- Нега?
- Дадамга айтадиган гапим бор.
- Нима гапинг бор?
- Қашлагични мен синдирган эдим, шунинг айтмоқчиман.
- Қайси қашлагични?
- Утган йилги. Ҳасанга тўнқанган эдим...

Сўзимни тугатолмадим. Ичимдан келаётган тугёнлар нафасимни бўғиб кўйдил. Йиғлай-йиғлай бўлган воқеани Парвинга гапириб бердим. Ҳозир буни дадамга айтсам, Ҳасан ҳам эшитиб, балки мени кечирар?

- Эртага айтсан, — деди Парвин.
- Йўқ, ҳозир бораман.
- Ҳозир даданг ухлаяпти, эртага эрталаб айтсан. Ҳасан ҳам уйкуда. Эртага уни кучоқлаб, ўпиб, кечирим сўрасанг, кечиради.
- Хўп, яхши.
- Қани энди, ухла!

Тонггача кўзимга уйку келмади. Тонг оқара бошлаганида Парвинни уйғотдим. Ўрнимиздан турдик. Ичимни қийнаётган азобдан бўшалиш учун шошиб борардим... Лекин, минг афсус, бу кеча бечора, гуноҳсиз укамнинг жони узилган экан.

Айвонда қишлоқнинг имоми билан Дадаруҳ кўзда ёш билан, дадамнинг ташқарига чиқишини кутиб турардилар.

Туркчадан
Лола АМИНОВА
таржимаси

Vencon code Invent чемпионати: ГОЛИБ ТАТУ НУКУС ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Маълумки, 17-18 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида “Vencon” компанияси томонидан дастурлаш бўйича Vencon code Invent чемпионатининг Ўзбекистон Республикаси босқичи бўлиб ўтган эди. Унда ТАТУ Нукус филиали жамоаси голиб бўлди.



Мазкур мусобақанинг ташкилий жараёнлари, унда иштирок этиш, шунингдек, ўзига хос хусусиятлари хусусида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали ўқитувчиси, иштирокчи талабаларга раҳбарлик қилган устоз Азизбек ҚОДИРОВ билан суҳбатлашдик.

— Устоз, аввало, мусобақага тайёргарлик жараёнлари ҳақида тўхталсангиз?

— Бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда ахборот технологиялари, уларнинг замонавий авлодларини яратиш ҳамда ижтимоий ҳаётимизга таъбиқ қилиш масаласи кун тартибидagi долзарб масалалардан бири бўлиб бормоқда. Vencon code Invent чемпионатининг ташкил қилиниши ҳам фикримизнинг исботидир.

Мусобақа эълон қилинишида ноқ филиалимизнинг бир қатор ихтидорли, билимли талабалари билан биргаликда бу жараёнга жиддий тайёргарликни бошлаб юбордик. Деярли ҳар кунни дарс машғулотлари тугатгандан кейин, камида 3-4 соатлаб тизимли режа асосида пухта амалий ишлар олиб бордик. Дунё миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган ушбу чемпионатда республикамизнинг кўплаб нуфузли олий таълим муассасалари жамоалари, шунингдек, профессионал ва ҳаваскор дастурчилар қатнашди.

— Чемпионатда филиалимиз талабалари эришган муваффақият омили нимада деб биласиз?

— Аввало таъкиллашми лозимки, бу мусобақада бевосита филиалимизнинг 3-босқич талабалари — Бахит Туримбетов, Алибек Ембергенов ҳамда Алланиз Нураҳимовлар иштирок этган бўлса, аслида чемпионатдаги муваффақиятга филиалимизнинг ўнлаб, юзлаб талабалари меҳнати эвазига эришилди, десам муболага бўлмайди. Чунки, ҳар кунлик тайёргарлик жараёнида талабалар бир-бирини тўлдириб, мақсадни баланд қўйиб, филиалимиз жамоаси учун меҳнат қилишди. Шунингдек, филиалимизда ёшларнинг дарслардан кейинги бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, яъни фан тўғрисида, клублар ва ижодий жамоалар фаолиятининг тўғри йўлга қўйилгани ҳам ютуқлар омили бўлди.

Бевосита мусобақанинг ўзига тўхталсам, мазкур нуфузли мусобақа 24 соат давомида бўлиб ўтди. Шогирдларим билан биргаликдаги ҳаракатимиз зое кетмади ва натижада университетимиз жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

— Мусобақа шартлари қандай бўлди?

— Чемпионатда ташкилотчилар томонидан ижтимоий тармоқларнинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда интеллектуал таҳлил қилишнинг дастурий асосларини яратиш вазифаси берилди. Биз бу вазифани 24 соат давомида ишлаб, ўз лойиҳамизни яратдик ҳамда натижаларни ҳакамлар ҳайъатига топширдик. Мусобақа якунида жамоамиз голиб бўлди.

— Устоз, кейинги режаларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Бугунги кунда биз илм, фан, таълим, инновацион ва ахборот технологияларининг жадал суратлар билан ривожланиб, янги-янги бораётган даврида яшаётимиз.

Шундай экан, биз, ТАТУ Нукус филиали раҳбарияти, профессор-ўқитувчи ҳамда талабалари айна йўналишдаги ишларимизни янада юксак поғонага кўтаришга ҳаракат қилишимиз керак. Филиалимизда илми, салоҳиятли ёшлар жуда кўп. Демак, олдимизда мақсадларимиз бисёр. Келгусида биз нафақат Ўзбекистон кўламини, балки жаҳон миқёсида ташкил қилинажак нуфузли мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этиб, филиалимиз, юртимиз илм-фанига муносиб ҳисса қўшамиз, деб ишонч билдираман.

— Суҳбатингиз учун ташаккур, устоз! Яна бир бор голиблик шоҳсупаси муборак бўлсин!

Суҳбатдош
Нодирбек АЙИТБАЕВ,
ТАТУ Нукус филиалининг
1-босқич талабаси

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар Миробод тумани 4-уй, 4-хонадонда истиқомат қилувчи А.Машарипов номига берилган 10:11:05:02:01:5497:0001:004 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



ШАҲРАМ ГИЁСОВГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Профессионал боксда мағлубиятсиз одимлаётган ҳамюртимиз Шаҳрам Гиёсов 28 ноябр куни АҚШдан Тошкентга қайтиб келганди.

Кеча чарм қўлқоп устамиз Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигида тақдирланди. Спорт вазири Дилмурод Набиев Шаҳрам Гиёсовга “Жисмоний тарбия ва спорт аълочили” кўкрак нишонини топширди.



Эслатиб ўтамиз,

Шаҳрам Гиёсов яқшанба тонгида мексикалик Мигел Замудиони саккиз раундга мўлжалланган жангнинг биринчи раундидаёқ нокаутга учратганди. Бу билан у фаолиятидаги олтинчи ғалабага эришди.

ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАРИ РОССИЯЛИК ТЕНГҚУРЛАРИНИ ТАСЛИМ ЭТДИ

Туркиянинг Коная шаҳрида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Бутунжаҳон олимпиадаси давом этмоқда.

Мамлакатимиз терма жамоаси 5-раундда Россия термасини 3-1 ҳисобида таслим этди.

Бунга қадар ёш шахматчиларимиз биринчи турда Венгрия термасини 4-0 ҳисобида, иккинчи турда Полша термасини 3-1, учинчи раундда Молдова терма жамоасини 3,5-0,5 ҳисобида таслим этишганди. Фақат тўртинчи турда вакилларимиз америкалик рақибларига 1,5-2,5 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйгандилар.

Олимпиадада 30 ноябр куни 6 ва 7-турлар бўлиб ўтади.

МАДРИМОВ ИЛК ЖАНГДАЁҚ РАҚИБНИ НОКАУТГА УЧРАТИБ, КАМАР СОҲИБИ БЎЛДИ

24 ноябр куни АҚШнинг Атлант-Сити шаҳридаги Hard Rock Hotel & Casino аренасида профессионал бокс кечаси ўтказилди.

Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари голиби Исроил Мадримов бу бокс оқшомида дебют қилди. Илк жангида Мадримов мексикалик Владимир Эрнандесни (10-2, 6КО) 6-раундда муддатидан олдин мағлуб этди.



Шу тариқа, Мадримов профессионал боксдаги илк жангидаёқ WBA Intercontinental камарини қўлга киритди.

АРТУР ТАЙМАЗОВНИНГ ОЛИМПИАДАДАГИ МЕДАЛИ ЯНГИ ЭГАСИГА ТОПШИРИЛАДИ

Россиялик эркин курашчи Бахтиёр Аҳмедов 2 декабр куни Пекин Олимпиадасининг олтин медалини қабул қилиб олади.

10 йил олдин Хитой мезонлиқ қилган Олимпия ўйинларида Артур Таймазов олтин медалга эга чиққанди. Бирок, текширувлар натижасида Таймазовнинг таҳлилдан тақиқланган моддалар топилган ва у олтин медалдан маҳрум қилинган.



ЛИОНЕЛ МЕССИ РОНАЛДУДАН ЎЗИБ КЕТДИ

“Барселона” ҳужумчиси ЕЧЛнинг 5-турида ПСВ дарвозасига (2:1) гол киритди.

Натижада Мессининг “Барселона” сафида ЕЧЛда урган голлари 106тага етди. Бу билан Лео битта клуб сафида ЕЧЛда энг кўп гол киритган футболчига айланди. Аввалги рекорд Криштиану Роналдуга тегишли эди. Роналду “Реал” сафида 105та гол урганди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали жамоалари “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директори Ориф Маҳмудовга волидаи муҳтарамаси

Муаззам ая АКРАМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ жамоаси жамиятнинг Қашқадарё филиали директори Ориф Маҳмудовга волидаи муҳтарамаси **МУАЗЗАМ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сўзнинг қудрати шу даражадаки, бир вақтнинг ўзида қалбни обод қилади ёки вайрон.



Ўша кун телеграм орқали бир дўстимдан менга SMS-хабар келди. Хабарнинг матни куйидагича эди:

“...Ўқинг, кеча соат 19:00да, илтимос охиригача ўқинглар, Аллоҳ ушбу хатни ўқиган инсонга икки дунё саодатини nasib этсин, амийн.

Ушбу хатни Сизга Саудия Арабистонидан барча мусулмонларга юборилмоқда. Бу

сўзлар пайгамбаримиз Муҳаммад с.а.в. масжидининг имоми Шайх Аҳмаднинг сўзларидир...”

Хуллас, хабар мазмунида масжид имоми тушида пайгамбаримизни кўрганлиги, хабар сўнггида ушбу мактубни тўққиз кишига SMS-хабар тарзида телеграм орқали юбориш зарурлиги, кимки бунга ишонмаса ёхуд безътибор бўлса,

бошига кулфат келиши мумкинлигини далиллар ёрдамида келтириб ўтади.

Аниқки, юқоридаги каби SMS-мактубларга сиз ҳам кўп бора дуч келгансиз. Тараққиёт жадал ривожланиб бораётган даврда яшашган ҳар бир инсоннинг ўзаро ахборот алмашишида бу каби ҳолатларнинг кузатилиши табиийдек кўринади. Аммо, чуқурроқ ўйлаб кўради-

ган бўлсак, динни ниқоб қилиб, пайгамбаримиз номидан фойдаланиб инсонларнинг онгини заҳарлаш, уларни чалғитиш ёки қалбига ҳадик, қўрқув солишдек бемаъни ишлар билан машғул кишилар — сизу бизнинг орамиздаги одамлар! Ҳаманиннинг ўз дунёқараши, ўз ўлчо-ви бор. Зоҳиран маъноли ва гўзал кўринган хабарни олган киши, гарчи уни тарқатиш бефойдалигини билса-да, кўнглига ҳадик тушади, эртаси кун худди бирор кўнглисизлик рўй берадигандек хавотирда юради: бу, ўз навбатида, кайфиятига таъсир этади, ишида унум йўқолади, жамоа билан бўладиган муносабатларига-да салбий таъсир этади. Сўзнинг қудрати шу даражадаки, бир вақтнинг ўзида қалбни обод қилади ёки вайрон.

Азизлар, оиламизда жондан азиз фарзандларимизга, кўни-қўшни, маҳалла-кўй, қариндошларимизга ахборотдан фойдаланиш маданиятини ётиги билан тушунтирайлик. Юқоридаги каби SMS-хабарни тарқатиш орқали атрофимиздагиларнинг динга нисбатан салбий қарашлари пайдо бўлишига сабабчи бўлиб қолмайлик!

Наргиза МИРАЗИКОВА,
Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

МАСЛАҲАТ

ТОБЕЛИКДАН ҚУТУЛИНГ

Ажойиб замонда яшаймиз. Қўл телефони ота-онамиздан, қариндошу дўстларимиздан-да яқин ҳамроҳга айланган. У доимо биз билан бирга: юрганнимизда, турганимизда, ҳатто уйқўга ётганимизда ҳам энг яқин жойда туради, кечаси ҳам бирор инсондан хабар келиб қолиши мумкин-ку, деган фикрга борамиз.

Ҳар кун тонгда уйғониб биринчи қиладиган ишимиз Facebook, Twitter ёки Telegramдаги аккаунтимизни текширишдан иборат бўлиб қолган. Бундан ташқари, ух-лашдан олдин, ишда, дарсада ва бошқа юмушлар билан шуғулланаётганимизда бироз бўш вақт топилди дегунча, телефони-мизни кўлимизга оламиз. Бу ҳолат бизнинг ижтимоий тармоқлар измига тушиб қолганимиз белгиси бўлиб, ундан тезда қутул-моқ, ҳаётимизни изга солмоқ лозим.


Агар бу тобеликдан қутулиш ва кўпроқ вақтингни оила аъзоларингиз ёки кўлин-гизда китоб билан ўтказишни истасангиз куйидаги маслаҳатларимизга амал қилинг.

● **Ҳар гал бирор тармоққа кириб, ян-гилекдан хабардор бўлиш истаги турганда бироз тўхтаб, яхшилаб ўйлаб кўринг.** Ав-вало, бу тармоққа нима сабабдан қўшил-ганимизни эсланг, у сизга нимага керак?

● **Ижтимоий тармоқларга бир кунда қанча вақт сарфлаётганингизни ҳисоблаб кўринг.** Кейин эса тармоқдаги ҳар бир фао-лятингиз учун аниқ вақт белгилаб жадвал тузинг. Масалан, келган хатларни ўқиб, улар-га жавоб ёзиш учун 15 дақиқа, профиллин-гизни янгилаш учун 10 дақиқа ва ҳоказо...

● **Энди эса ушбу вақт чегарасини буз-масликка ҳаракат қилинг.** Ижтимоий тармоқ сайтига барча зарур ишларингизни бажариб бўлгандан сўнггина кириг. 20 дақиқадан кейин зарур ишларимни бажараман, дея ўзингизга вайла бера кўрмаг — бу ёлгон. Амин бўласизки, 2 соат ўтиб ҳам интернетдан бўшай олмайсиз. Ана шундан эҳтиёт бўлинг.

● **Кераксиз кишиларни дўстларингиз рўйхатидан ўчириб ташланг,** ахир кишилар сони қанча кўп бўлса, хабарлар ҳажми ҳам



шунча ортади, виртуал оламдаги вақтингиз ҳам узяверади. Сиз ўзингиз яқин таниган ва ҳақиқатан дўст деб билганларингизнигина қолдириг.

● Агар муҳим топшириқ олган бўлсан-гиз, чалғимаслик учун ижтимоий тармоқ-ларингиз фаолятини вақтинча тўхтатиб туришингиз ўзингизга фойда.

● Турли ижтимоий тармоқларга кет-казадиган вақтингиз ўрнига қанчалик фойдали ишлар билан шуғулланишингиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Сиз бир-ор чет тилини ўрганишингиз, спорт бил-дан шуғулланишингиз, янги таом ресеп-тини ўрганишингиз, бирор уй ҳайвони бо-қишингиз, китоблар ўқишингиз, қизи-қарли ҳобби билан машғул бўлишингиз мумкин, аслида.

● Аккаунтингизга бир, уч кун ва бир ҳафта кирмай кўринг, бу сизга қанчалик фойдали эканлиги ўзингиз амин бўласиз.

● Ҳар сафар тармоққа кириш истаги турганда, ўзингизга қатъий билан “йўқ”, дея олишингиз сиз учун жуда фойдали экан-лигини унутманг. Ишонинг, сиз бу тобе-ликни энга оласиз!

Интернет материаллари асосида Саида Раҳматова тайёрлади

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОМУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета ҳафтаинг жума кун чикади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1143 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қозғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Алади: 2790 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода (0365)600-87-21	Жиззахда (94) 199-95-64	Наманганда (91) 353-71-25	Навоийда 225-91-10	Нукусда 554-35-45	Самарқандда (91)557-84-44	Термизда (91)235-88-68	Тошкентда 291-43-28	Урганча (97) 211-65-05	Фарғонада 244-18-05	Қаршида (93)931-08-99
--------------------	---------------------	--------------------------	-------------------------	---------------------------	--------------------	-------------------	---------------------------	------------------------	---------------------	------------------------	---------------------	-----------------------